32. Foster, C. Nurturing user-producer interaction: Inclusive innovation flows in a low income mobile phone market / C. Foster, R. Heeks // *Innovation and Development*. – 2014. – Vol. 4(2). – pp. 221-237.
33. Helpman, E., Melitz, M. J., and Yeaple, S. R. (2014). Export versus FDI with heterogeneous firms[J]. *Am. Econ. Rev.* 4, 300–316.
-

УЎК: 338.2(571)

Gulnora BOBOYEVA,*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti tayanch doktoranti,
Zarmed universiteti Iqtisodiyot kafedrasida o'qituvchisi,***E-mail: guli.boboyeva@bk.ru****KICHIK BIZNESNING INNOVATSION FAOLLIGIGA TA'SIR ETUVCHI
OMILLARNI BAHOLASH: O'ZBEKISTON MISOLIDA**

Annotatsiya: *kichik biznes davlatlar iqtisodiy taraqqiyotining asosi sifatida tan olingan. Ular nafaqat iqtisodiy o'sish, balki innovatsiyalar manbai hamdir. Ushbu maqolada kichik biznesning innovatsion faolligiga ta'sir etuvchi omillar O'zbekiston misolida ko'rib chiqilgan. Kichik biznes egalarining tajribasi, shuningdek xodimlar bilim va ko'nikmalari innovatsion faollikka ta'sir etuvchi muhim omil sifatida aniqlandi. Tahlil natijalari asosida kichik biznesda innovatsion faoliyatni rivojlantirishga oid takliflar keltirildi.*

Kalit so'zlar: *kichik biznes, innovatsion faoliyat, inson taraqqiyoti indeksi, iqtisodiy erkinlik indeksi.*

**Оценка факторов, влияющих на
инновационную активность малого бизнеса:
на примере Узбекистана****Гулнора Бобоева,**

*базовый докторант Ташкентского
государственного экономического университета,
Преподаватель кафедры
Экономики университета Зармед*

Аннотация: *малые предприятия считаются основной экономической роста во всех странах. Они являются не только источником экономического роста, но и инноваций во всех отраслях промышленности. В статье рассматриваются факторы, влияющие на инновационную активность малых предприятий, на примере Узбекистана. Опыт владельцев малого бизнеса, а также знания и навыки сотрудников являются важными факторами, влияющими на инновационную активность. На основе результатов анализа предложены рекомендации по развитию инновационной деятельности в малом бизнесе.*

Ключевые слова: *малый бизнес, инновационная деятельность, индекс человеческого развития, индекс экономической свободы.*

**Evaluating the factors affecting the
innovativeness of small businesses:
the case of Uzbekistan****Gulnora Boboyeva,**

*doctoral student at Tashkent State
University of Economics,
teacher at the Economics Department
of Zarmed University*

Abstract: *small businesses are considered the backbone of economic growth in all countries. They are not only a source of economic growth but also innovation in all industries. The article examines the factors influencing the innovativeness of small businesses using Uzbekistan as a case study. The experience of small business owners, as well as the knowledge and skills of employees, are important factors influencing innovative activity. Based on the results, recommendations for enhancing innovative activity in small businesses are proposed.*

Keywords: *small business, innovative activity, human development index, economic freedom index.*

Kirish. Jahonda shiddatli texnologik o'zgarishlar kechayotgan bir davrda kichik biznes har qanday mamlakat barqaror iqtisodiy o'sishga erishishi hamda innovatsion iqtisodiyotni shakllantirishida asosiy dastaklardan biri sifatida qaralmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasining Innovatsion rivojlanish strategiyasi ustuvor yo'nalishlari qatoridan ham kichik biznes sub'yektlarining innovatsion faolligini oshirish

orqali hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy jadal o'sishini ta'minlash masalasi alohida o'rin egallagan [1].

2023-yil statistika ma'lumotlariga ko'ra, jami faoliyat ko'rsatayotgan tadbirkorlik sub'yektlarining 99 foizi [2] kichik biznes subyektlari hisoblanib, YaIMning 51,2 foizi, bandlikning 74,1 foizi [3], innovatsion mahsulotlarning 26,3 foizi, joriy etilgan innovatsiyalarning 40 foizi ushbu korxonalar hissasiga to'g'ri keladi.

Kichik korxonalarining bozor o'zgarishlariga tezkor javob berishga imkon beruvchi yuqori egiluvchanligi, xodimlarning o'zini erkin namoyon eta olishi, boshqaruvda byurokratiyaning yo'qligi, mijozlar va hamkor tashkilotlar bilan yaqin aloqalari ularning innovatsion faoliyatga oson kirishish imkonini beradi. Biroq kichik biznesning innovatsion faoliyatini cheklovchi omillar ham mavjud bo'lib, ular ichki moliyaviy resurslarning tanqisligi, xodim va rahbarlarda innovatsiyalarni joriy etishga oid bilim va tajribaning mavjud emasligi, kerakli infratuzilmaning shakllanmaganligi shular jumlasidandir.

Ushbu ilmiy tadqiqotning maqsadi kichik biznesning innovatsion faoliyatiga ta'sir etuvchi omillarni O'zbekiston Respublikasi misolida tahlil qilish asosida, ularning innovatsion faolligini oshirishga oid taklif va tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Ma'lumki, tadbirkorlik faoliyati tadbirkorlik faoliyati sub'yektlari tomonidan qonun hujjatlariga muvofiq amalga oshiriladigan, tavakkal qilib va o'z mulkiy javobgarligi ostida daromad (foйда) olishga qaratilgan tashabbuskor faoliyatdir [4]. Tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirish uchun tabiiy omil, mehnat omili, kapital va tadbirkorlik qobiliyatlari birlashishi lozim. Shu bilan birgalikda, ko'plab ilmiy tadqiqotlarda ([5], [6]) innovatsiya

ishlab chiqarishning zamonaviy omili, tadbirkorlik faoliyatining zaruriy sharti sifatida ko'rib chiqilmoqda.

Innovatsiyalar biznes uchun ijobiy natijalar olib keladi, faoliyat samaradorligini oshiradi. Innovatsiyalar orqali cheklangan resurslardan oqilona foydalanish, mehnat unumdorligini oshirish, kichik biznes iqtisodiyotini intensiv rivojlantirish imkoniyati yaratiladi [7]. Kichik va o'rta korxonalar innovatsion faolligi ortgani sari ularning unumdorligi ham ortib boradi, natijada ular o'z xodimlariga yuqoriroq ish haqi va yaxshilangan mehnat sharoitlarini taqdim etish orqali iqtisodiy tengsizlikni qisqartirishga yordam beradi [8].

Kichik biznesning innovatsion faoliyatiga ta'sir etuvchi omillar ko'plab ilmiy tadqiqotlar mavzusidir. Ushbu tadqiqotlarda hisobga olinadigan omillar ko'lami yetarli darajada keng va o'z ichiga kichik biznes xususiyatlari (korxonalar yoshi, mulkchilik shakli, iqtisodiy faoliyat turi, geografik joylashuvi, moliyaviy ko'rsatkichlari, kadrlar tarkibi va boshqalar) bilan bir qatorda mamlakat yoki mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy ko'rsatkichlarini (iqtisodiy o'sish sur'ati, aholi turmush darajasi va ilmiy-texnik rivojlanish darajasini ifodalovchi ko'rsatkichlar, ta'lim darajasi va boshqalar) qamrab oladi.

Quyidagi jadvalda kichik biznes sub'yektlari innovatsion faolligini belgilovchi omillar turli mamlakatlar kesimida amalga oshirilgan empirik tadqiqotlar misolida keltirilgan (1-jadval).

1-jadval

Kichik biznesning innovatsion faoliyatiga ta'sir etuvchi omillar empirik tahlili

Olimlar	O'rganilgan hudud va tanlanma kuzatuvlar soni	Olingan natijalar
Agwu (2014), [9]	Nigeriya, 120 ta kichik biznes sub'yektlari	<i>Kichik biznes sub'yektlarini qiynayotgan asosiy muammolar:</i> moliyaviy resurslarning yetarli emasligi, ijtimoiy infratuzilmalarning zaifligi, boshqaruv qobiliyatlarining yetishmasligi, ikkiyoqlama soliqqa tortish.
Farsi and Toghrace (2015), [10]	Eron, 245 ta kichik biznes sub'yektlari	<i>Keng ko'lamdagi muammolar aniqlangan:</i> ta'lim va malakaning kamligi, boshqaruv malaka va tajribasining yetishmasligi, kreditlarning yetarli emasligi, foiz stavkalarining yuqoriligi, milliy siyosat va me'yoriy hujjatlar, yangi texnologiyalarning paydo bo'lishi, bozorlar to'g'risida yetarli bo'lmagan axborot.

Claudino, Santos, Cabral, Pessoa (2016), [11]	Braziliya, 20 ta kichik biznes sub'yekti hamda mahalliy innovatsiya agenti	<i>Rag'batlantiruvchi omillar:</i> boshqaruv tomonidan qo'llab-quvvatlash hamda innovatsiyalarni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan harakatlarni rejalashtirish; <i>Cheklovchi omillar:</i> Malakali xodimlarning yo'qligi, innovatsiya oqibatlaridan qo'rquv, tadbirkorlar va xodimlarning mavjud muhitga moslashib qolishi, ko'nikishi.
Uvarova & Vitola (2019), [12]	Yevropa qishloq hududlari, 6 ta hududda o'rtacha ishtirokchilari soni 31 nafardan bo'lgan innovatsion infratuzilma sub'yektlari o'rtasida uchrashuvlar tashkil etilgan.	<i>Aniqlangan muammolar:</i> innovatsion muhitning yaxshi shakllanmaganligi, innovatsion siyosat va qo'llab-quvvatlash choralarining nomuvofiqligi, bilim va ko'nikmalarining yetishmasligi, malakali ishchi kuchini yollash bilan bog'liq muammolar hamda ularning shahardagi hamkasblariga nisbatan raqobatbardoshligi.
Grego-Planer and Kus (2020), [13]	Polsha, 202 birlik kichik va o'rta biznes sub'yektlari	Aholining ta'lim darajasi, texnologiya va texnologik rivojlanish sur'ati, rahbarning innovatsiyalarga munosabati, korxonada imidji va reputatsiyasi innovatsion faoliyatga <i>ijobiy ta'sir ko'rsatadi</i> . Ishchi kuchi mobilligi, mehnat etikasi, xodimlarning texnik madaniyati innovatsiyalarga <i>salbiy ta'sir o'tkazadi</i> .
Karolina Beyer (2022), [14]	Polsha, Innovatsion faoliyatni amalga oshirgan 12 birlik kichik biznes sub'yektlari	<i>Ichki cheklovchi omillar:</i> malakali xodimlarning yetishmasligi, malaka oshirishga bo'lgan xohishning yo'qligi, xodimlarning o'zgarishlarni qabul qilishga bo'lgan qo'rquvi; <i>Tashqi cheklovchi omillar:</i> innovatsiyalarga yuqori xarajatlar, ekologik siyosat va bozordagi raqobat.

Manba: muallif ishlanmasi.

Jadvalda keltirilgan ma'lumotlardan ko'rishimiz mumkinki, kichik va o'rta biznes sub'yektlarining innovatsion faolligini belgilovchi muhim omillar sifatida innovatsiyalarni yaratish bilan bog'liq bilim va ko'nikmalarining yetishmasligi (Farsi & Toghraee, Claudino va boshqalar, Uvarova & Vitola, Beyer), xodimlarning o'zgarishlarni qabul qilishga bo'lgan qo'rquvi (Claudino va boshqalar, Beyer), boshqaruv qobiliyati va tajribasining yetishmasligi (Agwu, Farsi & Toghraee), boshqaruv tomonidan qo'llab-quvvatlash va rahbarning innovatsiyalarga munosabati (Planer, Claudino va boshqalar), kredit resurlarining kamligi va foiz stavkalarining yuqoriligi (Farsi & Toghraee, Agwu), infratuzilmaning yetarli shakllanmaganligi (Agwu), innovatsion hamda institutsional siyosat, davlat tomonidan qo'llab quvvatlash choralarining nomuvofiqligi, yetarli emasligi (Farsi & Toghraee, Uvarova & Vitola, Beyer) va boshqalarni keltirish mumkin.

Metodologiya. Tadqiqotni amalga oshirish uchun statistik ko'rsatkichlar "Heritage Foundation" va "The Wall Street" jurnalining hamkorlikdagi "Iqtisodiy erkinlik indeksi" hisoboti, BMTning "Inson taraqqiyoti indeksi" hisoboti, shuningdek O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika

agentligining "O'zbekistonda kichik biznes" nashrlari asosida shakllantirildi. 2010–2022-yillar oralig'idagi davr tahlil qilindi. Erksiz o'zgaruvchi, ya'ni kichik biznesning innovatsion faolligini izohlovchi ko'rsatkich sifatida kichik biznes sub'yektlari tomonidan yaratilgan innovatsion tovar, ish, xizmatlar hajmi tanlab olindi. Innovatsion faollikka erkli o'zgaruvchilar: xodimlarning bilim va ko'nikmalari, rahbarlar malakasi va tajribasi, infratuzilma va davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash, moliyalashtirish imkoniyatlarining ta'siri o'rganilib, ularni izohlovchi ko'rsatkichlar quyida keltirilgan:

**Aholining ta'lim darajasi,
texnologiya va texnologik
rivojlanish sur'ati, rahbarning
innovatsiyalarga munosabati,
korxonada imidji va reputatsiyasi
innovatsion faoliyatga ijobiy
ta'sir ko'rsatadi.**

2-jadval

Kichik biznesning innovatsion faolligi, unga ta'sir etuvchi omillar va ularning izohlovchilari

O'zgaruvchilar	Izohlovchilari	Ko'rsatkichlar mohiyati	Manbasi
Kichik biznesning innovatsion faolligi	Innovatsion tovar, ish, xizmatlar hajmi	Moliya yili davomida kichik tadbirkorlik sub'yektlari tomonidan yaratilgan innovatsion tovar, ish, xizmatlar hajmi, mln so'm;	Statistika agentligi nashri [15]
Xodimlarning bilim va ko'nikmalari, menejerlar malakasi	Inson taraqqiyoti indeksi	Inson taraqqiyotining uch asosiy xususiyatlari: sog'lik, bilim va turmush darajasi bo'yicha mamlakatda o'rtacha erishilgan ko'rsatkichlarning kompleks yig'indisini ifodalaydi;	Inson taraqqiyoti hisoboti [16]
Davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash	Mulkchilik huquqi ko'rsatkichi	Mamlakatda mulkchilik huquqi, shu jumladan intellektual mulk huquqi qay darajada himoya qilishi va qonunlarga rioya etilish darajasini aks ettiradi;	"Heritage foundation" Tadqiqot markazi hisoboti, Iqtisodiy erkinlik indeksi ko'rsatkichlari [17]
Infratuzilma	Biznes erkinligi ko'rsatkichi	Biznesning samarali faoliyat yuritishida mavjud infratuzilma va me'yoriy – huquqiy asoslarning darajasini o'lchaydi;	
Moliyalashtirish imkoniyatlari	Moliyaviy erkinlik ko'rsatkichi	Biznesning tijorat banki kreditlari va boshqa moliyalashtirish manbalaridan yengil va samarali foydalana olish darajasini baholaydi.	

Manba: muallif ishlanmasi.

Erkli va erksiz o'zgaruvchilar o'rtasidagi bog'liqlik quyidagi model asosida o'rganiladi:

$$\log \text{Innovatsion_faollik} = \alpha_0 + \alpha_1 * X + \varepsilon \quad (1)$$

Keltirilgan modelda:

$\log \text{Innovatsion_faollik}$ – kichik biznes sub'yektlari tomonidan yaratilgan innovatsion tovar, ish, xizmatlar hajmining logarifmlangan qiymati;

X – yuqorida ta'kidlab o'tilgan erkli o'zgaruvchilar;

ε – tasodifiy xatolik.

(1) Modelni baholashda eng kichik kvadratlar usulidan foydalanildi va olingan natijalar 3-jadvalda aks ettirildi.

Tahlil va natijalar. Regression tahlil natijalari shuni ko'rsatadiki, kichik biznesning innovatsion faolligi va modelga kiritilgan barcha o'zgaruvchilar o'rtasida ijobiy bog'liqlik mavjud.

Inson kapitali O'zbekiston Respublikasida innovatsion iqtisodiyotni shakllantirishda eng ahamiyatli omillardan biri sifatida namoyon bo'lmoqda. Kichik biznesning innovatsion faolligiga xodimlar bilim va ko'nikmalari, shuningdek menejerlar malakasining ijobiy ta'siri kuzatildi. Masalan, inson taraqqiyoti indeksining 1 standart chetlanishga oshishi innovatsion tovar, ish, xizmatlarining o'rtacha 1,4 foiz (82*0,017) oshishiga olib keladi.

3-jadval

Regression tahlil natijalari

O'zgaruvchilar	Koeffitsient (Coefficient)	Ahamiyatlilik darajasi (p-value)	Standart chetlanish (standard error)
Bilim va ko'nikmalar, menejerlar malakasi	82,679	0,000 ***	9,64
Moliyalashtirish imkoniyatlari	0,0341	0,054 *	0,015
Infratuzilma	0,0765	0,016 **	0,025
Davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash	0,0114	0,193	0,008
cons	-56,974	0,000***	6,72
Kuzatuvlar soni		13	
Me'yorlashtirilgan R ²	0,96		

Eslatma: Koeffitsientlar ahamiyatliliigi: ***-1 %, **-.5 %, *-10% (foiz qancha past bo'lsa, omilning ta'siri shunchalik muhim hisoblanadi).

Infratuzilma omili ham 5 foiz darajasida statistik ahamiyatli bo‘lib, uni izohlab kelgan biznes erkinligi ko‘rsatkichining 10 ballga ortishi, innovatsion tovar, ish, xizmatlar hajmining 0,76 band ko‘tarilishiga xizmat qiladi. Shuningdek, moliyaviy erkinlik ko‘rsatkichining ham innovatsion faollikka to‘g‘ri ta‘siri aniqlanib, ushbu indeksning 10 ballga yaxshilanishi, innovatsion tovar, ish, xizmatlar hajmini 0,34 bandga ko‘paytiradi. So‘nggi mustaqil o‘zgaruvchi, davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash omilining kichik biznes innovatsion faolligiga ta‘siri statistik ahamiyatli emasligi aniqlandi.

Xulosa va takliflar. Yuqorida nomi keltirib o‘tilgan rivojlanayotgan mamlakatlarda kichik biznes sub‘ektlarining innovatsion faolligini oshirishda ta‘sir etuvchi omillar O‘zbekiston Respublikasi uchun ham muhim ahamiyatga ega. Xodimlar bilim va ko‘nikmalari, infratuzilmaning yaxshilanishi, moliyalashtirish imkoniyatlarining kengayishi innovatsion faollikni rag‘batlantiruvchi omillar sifatida aniqlandi.

Amalga oshirilgan tahlillar asosida O‘zbekistonda kichik biznesning innovatsion faolligini oshirish bo‘yicha quyidagi takliflarni keltiramiz:

1. Kichik biznes sub‘yektlari rahbar va xodimlari uchun innovatsion faoliyatni boshqarish, texnologiyalar sohasida bilim va ko‘nikmalarini rivojlantirishga oid online kurslar, seminar-treninglar tashkil etish;

2. Tadbirkorlik faoliyati sub‘yektlari o‘rtasida “Biznes klub”larni tashkil etish orqali samarali muloqotni o‘rnatish;

3. Innovatsion faoliyatni moliyalashtirish tartibini soddalashtirish, moliyalashtirish manbalarini diversifikatsiyalash hamda imtiyozlar taqdim etish (nisbatan past foizlar, imtiyozli davr va boshqalar);

4. Kichik biznes sub‘yektlarining innovatsion infratuzilma ob‘yektlari: texnopark, maxsus iqtisodiy zona, biznes inkubator va boshqalarga kirish imkoniyatlarini kengaytirish.

Manba va adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 6-iyuldagi PF-165-son Farmoni. <https://lex.uz/ru/docs/-6102462>.

2. <https://siat.stat.uz/reports-filed/261/table-data>,

<https://siat.stat.uz/reports-filed/2044/meta-data>,

<https://siat.stat.uz/reports-filed/256/table-data>

3. https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_274.pdf, innovatsion mahsulot hajmi, joriy etilgan innovatsiyalar soni to‘g‘risidagi statistik ko‘rsatkichlar 2022 yil uchun keltirilgan.

4. O‘zbekiston Respublikasining 2012-yil 2-maydagi “Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to‘g‘risida”gi O‘RQ-328 –sonli Qonuni. <https://lex.uz/acts/-31846>

5. Столярчук Н.Н. Инновации как один из основных факторов производства в АПК // Никоновские чтения. 2016. №21. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsii-kak-odin-iz-osnovnyh-faktorov-proizvodstva-v-ark> (дата обращения: 04.02.2024).

6. Belykh, Anastasia & Tolstoguzov, Oleg, 2021. "Исследование Интеллектуального Потенциала Российских Регионов И Оценка Их Резилентности [Research of intellectual potential of Russian regions and assessment of their resilience]," MPRA Paper 110862, University Library of Munich, Germany.

7. Boboeva, G. G. (2023). ANALYSIS OF INNOVATION ACTIVITY IN SMALL BUSINESS. "Экономика и туризм" международный научно-инновационной журнал, 4(12).

8. <https://www.oecd-ilibrary.org/sites/650c36d4-en/index.html?itemId=/content/component/650c36d4-en>

9. Okechukwu Agwu, M., & Izunwanne Emeti, C. (2014). Issues, Challenges and Prospects of Small and Medium Scale Enterprises (SMEs) in Port-Harcourt City, *European Journal of Sustainable Development*, 3(1), 101. <https://doi.org/10.14207/ejsd.2014.v3n1p101>

10. Farsi, J. Y., & Toghraee, M. T. (2015). Erratum to: Identification of the main challenges of small and medium-sized enterprises in exploiting innovative opportunities (case study: Iran SMEs). *Journal of Global Entrepreneurship Research*. <https://doi.org/10.1186/s40497-015-0030-y>

-
11. Tiago Bomfim Claudino, Sandra Maria dos Santos, Augusto César de Aquino Cabral, Maria Naiula Monteiro Pessoa, *Fostering and limiting factors of innovation in Micro and Small Enterprises*, RAI Revista de Administração e Inovação, Volume 14, Issue 2, 2017, Pages 130-139, ISSN 1809-2039, <https://doi.org/10.1016/j.rai.2017.03.007>.
 12. Uvarova, I., & Vitola, A. (2019). *Innovation challenges and opportunities in European rural SMEs*. *Public Policy and Administration*, 18(1), 152–166. <https://doi.org/10.5755/j01.ppa.18.1.23134>
 13. Dorota Grego-Planer, Agnieszka Kus (2020). *Determinants of Innovation Activities in Small Enterprises: A Model Approach*, *European Research Studies Journal* Volume XXIII Special Issue 1, 137-148
 14. Karolina Beyer, *Barriers to innovative activity of enterprises in the sustain development in times of crisis*, *Procedia Computer Science*, Volume 207, 2022, Pages 3140-3148, ISSN 1877-0509, <https://doi.org/10.1016/j.procs.2022.09.372>.
 15. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi nashri. *O'zbekiston Respublikasida kichik korxonalar va mikrofirmalar faoliyatining asosiy ko'rsatkichlari*.
https://stat.uz/images/uploads/reliz-2023/kichik-biznes-mikrofirma_31_08_2023_uzb.pdf
 16. *Human development report*. By the United Nations Development Programme 1 UN Plaza, New York, NY 10017 USA.
<https://hdr.undp.org/system/files/documents/global-report-document/hdr2023-24reporten.pdf>
 17. "Heritage foundation" tadqiqot markazi hisoboti. <https://www.heritage.org/index/>
-

Korporativ boshqaruv, sanoat, agrar va hududiy iqtisodiyot /
Корпоративное управление, промышленность, аграрный и региональная экономика /
Corporate governance, industry, agriculture and regional economy

УЎК: 338.242.331.42(575.1)

Anne-Charlotte MARCOMBE,
Senior lecturer,
Kimyo International University in Tashkent
Department of Marketing&Management,
Email: ac.marcombe@gmail.com

THE ROLE OF GREEN JOBS IN THE CIRCULAR ECONOMY

Abstract: *the current article explores how the development of a legal definition for green jobs in Uzbekistan can contribute to the development of circular community economies. As such, using the framework first developed by Gibson-Graham et al. (2013) [14] to theorize community economies, this project highlights the issues and challenges that public authorities might face when trying to design a definition around green employment. Data for this project was collected from structured interviews with small and medium enterprises active in the acquisition, repair, and sale of second-hand goods in the city of Tashkent, Uzbekistan. Findings show that incorporating the second-hand industry in Uzbekistan's definition of green jobs requires the improvement of this industry's public image. Among the many ways to do so, linking this industry's activities to sustainable development is a first step to avoid attempts at greenwashing. Finally, this article provides the outline of a legal definition for green jobs which seeks to be more performative than its predecessors.*

Keywords: *circular Economy, Green Jobs, Green Economy, Sustainable Development, Uzbekistan.*

Aylanma iqtisodiyotda yashil ish o'rinlarining roli

Anne-Charlotte Marcombe,
Toshkent Kimyo Xalqaro Universiteti
Xalqaro marketing va menejment kafedrasida katta
o'qituvchisi

Annotatsiya: *maqolada O'zbekistonda "yashil" ish o'rinlarining huquqiy ta'rifini ishlab chiqish*

yopiq siklli iqtisodiyot rivojlanishiga qanday hissa qo'shishi mumkinligi o'rganiladi. Shunday qilib, dastlab Gibson-Grem va boshqalar (2013) [14] tomonidan iqtisodiyot hamjamiyatini nazariy asoslash uchun ishlab chiqilgan konsepsiyadan foydalangan holda, ushbu loyiha davlat idoralari "yashil" bandlik ta'rifini ishlab chiqishda duch kelishi mumkin bo'lgan muammolar va qiyinchiliklarni yoritib beradi. Ushbu loyiha uchun ma'lumotlar O'zbekistonning Toshkent shahrida, ikkinchi qo'l mahsulotlarini sotib olish, ta'mirlash va sotishda faol ishtirok etayotgan kichik va o'rta korxonalar bilan o'tkazilgan intervyulardan to'plangan. Natijalar shuni ko'rsatadiki, O'zbekistonda "yashil" ish o'rinlari ta'rifiga ikkinchi qo'l sanoatni kiritish ushbu kasblarning jamoatchilik imidjini yaxshilashni talab qiladi. Buni amalga oshirishning ko'plab usullari orasida ushbu sohaning faoliyatini barqaror rivojlanish bilan bog'lash "yashil yuvish" urinishlarining oldini olish uchun birinchi qadamdir. Va nihoyat, ushbu maqola o'zidan oldingilarga qaraganda samaraliroq bo'lgan "yashil" ish o'rinlari uchun qisqacha huquqiy ta'rifni taqdim etadi.

Kalit so'zlar: *aylanma iqtisodiyot, Yashil ish o'rinlari, Yashil iqtisodiyot, Barqaror rivojlanish, O'zbekiston.*

Роль зеленых рабочих мест в экономике замкнутого цикла

Анна-Шарлотта Маркомбе,
Ташкентский международный университет
"Kimyo", Старший преподаватель кафедры
международного маркетинга и менеджмента

Аннотация: *в настоящей статье исследуется, как разработка юридического определения «зеленых» рабочих мест в Узбекистане может способствовать развитию экономики замкнутого цикла. Таким образом, используя структуру, впервые разработанную Гибсоном-Грэмом и др. (2013) [14] для теоретизирования экономики сообществ, этот проект освещает трудности и проблемы, с которыми могут столкнуться государственные органы при попытке разработать определение «зеленой» занятости. Данные для этого проекта были собраны в результате структурированных интервью с малыми и средними предприятиями, занимающимися приобретением, ремонтом и продажей поддержанных товаров в городе Ташкенте, Узбекистан. Результаты показывают, что включение поддерживаемой промышленности в определение «зеленых» рабочих мест в Узбекистане требует улучшения общественного имиджа этих профессий. Среди множества способов сделать это, увязывание деятельности этой отрасли с устойчивым развитием является первым шагом во избежание попыток «зеленого отмывания». Наконец, в этой статье представлено краткое описание юридического определения «зеленых» рабочих мест, которое должно быть более действенным, чем его предшественники.*

Ключевые слова: *Циркулярная экономика, зеленые рабочие места, зеленая экономика, устойчивое развитие, Узбекистан*

Introduction

Current narratives on green jobs in the context of climate change and international organizations operates a dichotomy between traditional, carbon-intensive jobs (Kleibrink et al., 2023) [16] and green jobs. Under the guise of protecting the economy from rising unemployment, these theories about green jobs mainly seek to reassure the oil and agricultural lobbies by proposing an ecological transition that is linear – as it is largely based on green economy principles (Scholz & Fink, 2022) [21] – and does not come with any deadline. Just like sustainable development and the social economy, green jobs in public policy are seen as a magic formula for curing all of society's ills, such as unemployment in the energy sector (Cai et al., 2011; Morgenstern et al., 2002) [6;19]. Similarly, many studies focus on the link between green jobs and skilled labor (Bowen et al., 2018; Consoli et al., 2016) [5;9]. This linkage positions green jobs at the top of a silver tower,

only accessible to countries well-endowed with power and money, i.e., countries in the minority world. Yet it is these same countries that have the greatest impact on the environment, due to their oversized consumption (Bjelle et al., 2021; Wilk, 2002) [4;25], while many countries in the majority world have less impact on the environment thanks to their frugal practices.

This is for example the case with Uzbekistan, a country which, according to World Bank Group (2023) data, produces twice less greenhouse gas emissions than France, a country where more than half of the economy relies on trade services (Insee and Statistique publique, 2024). It is also in Tashkent, the capital of Uzbekistan, that can be found an important industry focused on the acquisition, repair, and resale of used goods, which will be called here second-hand industry (SHI). In this article, we explore how the analysis of the SHI in Tashkent can contribute to the legal definition of green jobs in Uzbekistan for the purpose of community economies (Gibson-Graham et al., 2020) [13].

The community economy movement opposes the dominant economic narrative and sets out to reconnect the economy and society by reaffirming that general survival depends above all on our ability to collaborate and help each other (Gibson-Graham et al., 2013) [14]. To date, research into community economies has mainly concerned small-scale, often agri-food-related projects. For example, articles by Snyder and St. Martin (2015) [23] or Schreiber et al. (2020) [22] explore the different means employed by artisanal fisheries in Europe and North America to maintain the value of their production at the expense of neoliberal commodification policies imposed by local municipalities. Similarly, Cameron (2015) [8] and Cameron et al. (2014) [7] have studied the potential of shared gardens in preserving the agricultural commons in Australia and the Philippines. Still in the Philippines, but this time from an urban perspective, Madra and Özselçuk (2015) [17] study community economies through migrant remittances from Boston and Hong Kong. Another popular theme in urban settings is that of cooperatives. For example, in 2006, Gibson-Graham examined interactions within the Basque cooperative Mondragón. In the same vein, Turker and Murphy (2021) [24] focus on artisan and agri-food cooperatives in Kurdistan. The goal here is to try and identify the elements that form community economies, just like Naylor (2018) [20] attempts to do with the fair-trade certification in coffee-producing communities of Mexico.

This article expands on existing scholarship by asking the following research questions: how can the diversity of the SHI in Tashkent be used to develop an impactful legal definition of green jobs?

Materials and Methods

The analysis in this article is mainly based on quantitative data, acquired through 53 structured interviews and one focus group. A six-month field observation led to the identification of several hubs of the SHI in the capital of Uzbekistan, as represented by Figure 1. After the discovery of these hubs, a purposive sampling approach was used for the selection of interview participants.




Figure 1.
Hubs of the SHI in Tashkent

Source: authors.

As seen in Figure 2, the profession with the most respondents (16) were that of small technology repair technicians (STRT), followed by cobblers (10), seamstresses (10), appliance & furniture hawkers (2) responded to individual interviews, while 6 participated in the focus group, home accessories repair & retail (HAR&R) professionals (8), home cooling and heating systems repair & retail (HCHSR&R) professionals (4), tools repair and resell (TR&R) professionals (2), and optician traders (1). These professionals were active in ten different districts of Tashkent, mainly: Chilonzor 1-3, 8, and C9A, Mirzo Ulug’bek, Shaykhontahur, Yakkasaroy, Yashnabad and Yunusabad. Interview and focus group results were then analyzed according to Gibbs’ (2007) [12] axial coding method.

The diversity of the second-hand industry in Tashkent




Figure 2.

The Diversity of the SHI in Tashkent

Source: authors.

Results

The diversity of the SHI in Tashkent

First of all, the actors of the SHI in Tashkent participate to the circular economy by extending the lifecycle of a variety of products on a daily basis. For instance, while the cobbler trade is traditionally associated with shoe repair, many respondents have expanded their services to include other items: from leather goods in simple ventures to synthetic accessories like school bags and sneakers, even offering knife sharpening services. As illustrated in Figure 3 below, their craft is similar to that of seamstresses. Usually, sewing workshops with only one seamstress typically focus on one type of clothing. As these workshops grow in size, they also expand their activities to include creating and repairing men’s or children’s wear, home décor (curtains, tablecloths, etc.), various pieces of equipment (aprons, uniforms, etc.), and automobile gear (car covers).



Figure 3.

Similarities in products between the cobbler and seamstress trade

Source: authors.

Conversely, as seen in Figure 4 below, A&FH specialize in acquiring, repairing, and reselling used appliances and furniture. In the case of A&FH, the circularity of an appliance, electronics, or furniture piece depends on the age and state of the item. For electronics, only 20th-century televisions are left aside by the resellers, due to their incapacity to fix them. However, for furniture pieces, a lot depends on the state of the structural material. For example, damaged medium-density fibreboard (MDF), material with extensive water damage or oil damage, are of no interest to A&FH. On the other hand, ko'rpacha – traditional Uzbek floor mattresses – are collected, no matter their condition. The same is true for wooden furniture, which is easily refurbished or taken apart to make new furniture. Finally, outdated furniture in good condition, no matter the material, will be collected and refurbished or sold in the original state.




Figure 4.

Product specialization of respondents in four other trades of the SHI

Source: authors.

Next come home cooling and heating system repair & retail professionals. HCHSR retailers are specialized in the repair and resell of air conditioning units, heaters, hot water cylinders, and sometimes, water pumps. HCHSR retailers are specialized in the repair and resell of air conditioning units, heaters, hot water cylinders, and sometimes, water pumps. This profession is similar

to that of tools repair and resell professionals. TR&R technicians were mainly based in Yashnabad District, not very far from Parkent Bazaar. They are mainly active in the repair of small construction tools, such as drilling machines, saws, compressors, heat guns. Sometimes, bigger equipment also needs repair. This includes water pumps and meters, voltage regulators, medical equipment, welding machines, and so on and so forth. Finally, for opticians, the work is quite different from other trades. It is mainly about eyewear and accessories.

All in all, the actors of the SHI in Tashkent are very active in improving the circular potential of the capital of Uzbekistan by extending the lifecycle of many products. This can be explained by the popularity of the SHI among Tashkent citizens.

Responsible consumption: a matter of accessibility

Secondly, the SHI in Tashkent is a booming industry which provides jobs, connections, and increases opportunities for responsible consumption. The popularity of the SHI in Tashkent is illustrated by the omnipresence of its different professions in Tashkent's markets. For example, Malika Bazaar, in Yunusabad, a market specialized in the retail of appliances and electronics, is also a hub STRSs. In addition, Chorsu Bazaar, in the centre west of the city, is a headquarters for cobblers, seamstresses, and HCHSR retailers, as represented in Figure 5 below. Finally, Yangiabad Bazaar, Tashkent's flea market, hosts a variety of services from the SHI, provided mainly by HA&R retailers, HCHSR&R professionals, and TR&R technicians.




Figure 5.

The omnipresence of the SHI in Chorsu Bazaar

Outside of markets, these professions are often located some steps away from busy commercial streets, under the shade provided by community gardens in historical residential areas of Tashkent (Marcombe et al., 2024) [18]. Some trades of the SHI collect clients by adopting a mode nomadic lifestyle, such as A&FH. It is probably this focus on meeting the customers where they are that bolsters the popularity of the SHI in Tashkent. Indeed, only Yangiabad flea market seems to have experienced a recent decrease in clientele, as demonstrated by the declaration of Arofa, a woman selling used tableware and small kitchen appliances, who noted, “The number of clients has decreased after the pandemic.” Still, the most popular trades of the SHI according to the behavior of customers in the city of Tashkent remain cobblers and seamstresses. Reasons for this popularity are highlighted in Figure 6 below.




Figure 6. Reason mentioned by entrepreneurs of the SHI to explain why customers seek their services instead of buying new

Source: authors.

To conclude, the popularity of the SHI in Tashkent could become a fertile ground on which to define and develop the concept of green jobs. This can be done by first working on improving the public image of these professions.

Discussion

Defining green jobs based on the activities of the SHI in Tashkent: a question of image

First of all, when using the SHI of Tashkent as a base on which to define green jobs legally, the main problem to solve is that of its public image. Indeed, several studies have highlighted the image problem faced by professions related to used goods in different geographies (Dimarco and Landau, 2022; Florin, 2015) [10;11]. Furthermore, sometimes, public

authorities can contribute to the negative image of these activities. This is for example the case in France, where professions related to the acquisition, repair, and resale of second-hand goods have been bestowed a specific legal status by the government, which counterintuitively contributes to the degradation of the public image of these occupations (Benelli et al., 2017) [3]. Indeed, in their case study, Benelli et al. (2017) [3] warn against the:

“Ambiguity of a public policy that claims to structure a sector and create jobs by relying on mechanisms that negate or make work invisible, and which are, moreover, precarious in terms of remuneration and contract duration. Precariousness itself is concealed, particularly in the eyes of customers. [translation]”

Take this experience into account, an important role of government when it comes to legally defining green jobs would be to ensure that this new definition works in favour, rather than to the detriment, of the professions it seeks to protect. One way of doing this would be to start considering SHI-related jobs in Tashkent as a solution to the environmental problems created by urban and linear societies, rather than as jobs of last resort, dealing mainly with unwanted goods.

As a first conclusion, one of the main roles of a legal definition of green jobs would be to contribute to the development of a positive image around the professions included supporting the development of this definition. This can be done, for example, by highlighting what a green job is not.

What a green job is not

Secondly, designing an impactful legal definition of green jobs means avoiding falling into the caveats of previous attempts, namely a restrictive scope, greenwashing, or the design of vague definitions which do not encourage action or commitment. In terms of scope, if we take professions of the SHI in Tashkent as a base to define green employment, a green job is not a position that is strictly concerned with the environment (Annandale et al., 2004) [2]. Indeed, a legal definition should be much broader than that and include several categories, designed according to real-life practice.

In addition, a green job is not solely a palliative for the reconversion of workers in the fossil-fuel-based energy sector in the field of renewable energy (Cai et al., 2011; Morgenstern et al., 2002) [6;19]. Similarly, it is neither only a part of a corporate social responsibility or greenwashing strategy, or a magic formula designed to cure all the planet’s ills, or to make up for the

shortcomings of the current dominant economic system, such as the jobs crisis, the waste overflow either (Kleibrink et al., 2023; Scholz and Fink, 2022) [16;21].

A potent definition for green employment should not enable growth-based extractive and linear models, quite the contrary, it should propose a path for systemic change in an entirely new direction, that of community economies. A community economy “in which ethical negotiations around our interdependence with each other and the environment are put centre stage.” (Gibson-Graham et al., 2013) [14].

All in all, a legal definition for green job has the power to transform the public image of many of the professions that can easily be considered as environmentally friendly. In order to better understand what these are, it is first important to define what they are not. Once this process is fulfilled, a potent legal definition of green employment can be developed.

Attempting to define green jobs for the development of circular community economies

Finally, an interesting way of defining green jobs legally – and for a positive impact – would be to consider their potential for supporting the development of healthy interactions within societies and towards the environment (Gibson-Graham et al., 2013) [14]. For example, Acey and Culhane (2013) [1] propose to focus the definition of green jobs on their contribution to livelihoods. In addition, it seems important to emphasize the link between green jobs – especially those in the SHI – to sustainable development, which has a good press among the population.

From this point of view and based on the activities of the SHI in Uzbekistan, we could define a green job as a paid activity whose essence is the promotion, within a well-defined community or geographical area, of practices that respect the environment and society. These practices are many and varied, and need to be identified on a case-by-case basis. In the case of

Uzbekistan’s SHI, we can clearly link its activities to a reduction in the consumption of non-essential goods and services (although this has yet to be quantified), an increase in the longevity of product lifecycle, and the creation of a network of social and financial support around these initiatives.

In conclusion, we can see that supporting the development of green jobs from the point of view of public authorities is much more complex than just providing subsidies. Supporting the development of circular community economies through green jobs indeed means digging deeper than money and encouraging the right interactions.

Conclusion

In conclusion, this article sought to assess the potential of the SHI in Tashkent to contribute to a potent legal definition of green jobs in Uzbekistan. The findings of this study reveal that, regardless of the broad contribution of the SHI in Tashkent to sustainable development, the professions included in it suffer from bad press. As a result, this article highlights that it is the role of government to improve this public image through the design of a potent legal definition of green employment.

Secondly, the analysis of the SHI in Tashkent has allowed us to better pinpoint what a green job is not. This negative definition is necessary to allow the design of a legal definition on green employment which is truly performative (Gibson-Graham et al., 2013) [14].

Finally, this article proposes the outline of a definition for green jobs in Uzbekistan, based on the study of the SHI in Tashkent. This definition should then be divided into several categories, in order to better represent all the professions that are already contributing to the fight against climate change in the country.

In order to create a legal definition with the potential for systemic change within society, government support to the SHI in Tashkent should be further discussed in research.

References

1. Acey, C.S., Culhane, T.H., 2013. Green jobs, livelihoods and the post-carbon economy in African cities. *Local Environ.* 18, 1046–1065. <https://doi.org/10.1080/13549839.2012.752801>
2. Annandale, D., Morrison-saunders, A., Duxbury, L., 2004. Regional sustainability initiatives: the growth of green jobs in Australia. *Local Environ.* 9, 81–87. <https://doi.org/10.1080/1354983042000176610>
3. Benelli, N., Corteel, D., Debary, O., Florin, B., Le Lay, S., Rétif, S., 2017. Chapitre 2 - Le réemploi et les formes d’emploi, in: *Que faire des restes ?*, Académique. Presses de Sciences Po, Paris, pp. 31–40.

4. Bjelle, E.L., Wiebe, K.S., Többen, J., Tisserant, A., Ivanova, D., Vita, G., Wood, R., 2021. Future changes in consumption: The income effect on greenhouse gas emissions. *Energy Econ.* 95, 105114. <https://doi.org/10.1016/j.eneco.2021.105114>
5. Bowen, A., Kuralbayeva, K., Tipoe, E.L., 2018. Characterising Green Employment: The impacts of 'greening' on workforce composition. *Energy Econ.* 1–33. <https://doi.org/10.1016/j.eneco.2018.03.015>
6. Cai, W., Can, W., Chen, J., Wang, S., 2011. Green economy and green jobs: Myth or reality? The case of China's power generation sector. *Energy* 36, 5994–6003. <https://doi.org/10.1016/j.energy.2011.08.016>
7. Cameron, J., 2015. Enterprise Innovation and Economic Diversity in Community-Supported Agriculture. *Sustaining the Agricultural Commons.*, in: *Making Other Worlds Possible. Performing Diverse Economies.* University Of Minnesota Press, Minneapolis & London, pp. 53–71.
8. Cameron, J., Gibson, K., Hill, A., 2014. Cultivating hybrid collectives: research methods for enacting community food economies in Australia and the Philippines. *Local Environ.* 19. <https://doi.org/10.1080/13549839.2013.855892>
9. Consoli, D., Marin, G., Marzucchi, A., Vona, F., 2016. Do green jobs differ from non-green jobs in terms of skills and human capital? *Res. Policy* 45, 1046–1060. <https://doi.org/10.1016/j.respol.2016.02.007>
10. Dimarco, S., Landau, M., 2022. Habitants de quartiers aisés et chiffonniers à Buenos Aires : récupération informelle et conflits d'usage dans l'espace public. *Espac. Sociétés* 186–187, 103–116. <https://doi.org/10.3917/esp.186.0103>
11. Florin, B., 2015. Les chiffonniers du Caire. Soutiers de la ville ou businessmen des ordures ? *Ethnol. Fr.* 45, 487–498. <https://doi.org/10.3917/ethn.153.0487>
12. Gibbs, G.R., 2007. *Analyzing Qualitative Data, The SAGE Qualitative Research Kit.* SAGE Publications, Inc., London.
13. Gibson-Graham, J.K., Cameron, J., Dombroski, K., Healy, S., Miller, E., 2020. Cultivating Community Economies: Tools for Building a Livable World, in: *The New Systems Reader.* Routledge, Oxfordshire, p. 23.
14. Gibson-Graham, J.K., Cameron, J., Healy, S., 2013. *Take Back the Economy: An Ethical Guide for Transforming Our Communities,* 1st edition. ed. Univ Of Minnesota Press, Minneapolis ; London.
15. Insee, *Statistique publique, 2024. Économie générale - France - TABLEAU DE BORD DE L'ÉCONOMIE FRANÇAISE.*
16. Kleibrink, A., Pegels, A., Fink, M., Scholz, W., 2023. Green jobs and the city: Towards a just transition in developing countries (Research Report No. 1/2023). *IDOS Policy Brief.* <https://doi.org/10.23661/ipb1.2023>
17. Madra, Y.M., Özselçuk, C., 2015. Creating Spaces for Communism Postcapitalist: Desire in Hong Kong, the Philippines, and Western Massachusetts, in: *Making Other Worlds Possible. Performing Diverse Economies.* University Of Minnesota Press, Minneapolis & London, pp. 127–153.
18. Marcombe, A.-C., Sayfullaev, K., Islamova, N., 2024. Redefining responsible consumption and decent work: Insights from the second-hand industry in Uzbekistan. *J. East. Eur. Cent. Asian Res. JEECAR* 11, 604–620. <https://doi.org/10.15549/jeecar.v11i3.1655>
19. Morgenstern, R.D., Pizer, W.A., Shih, J.-S., 2002. Jobs Versus the Environment: An Industry-Level Perspective. *J. Environ. Econ. Manag.* 43, 412–436. <https://doi.org/10.1006/jeem.2001.1191>
20. Naylor, L., 2018. Fair trade coffee exchanges and community economies. *Environ. Plan. Econ. Space* 50, 1027–1046. <https://doi.org/10.1177/0308518X18768287>
21. Scholz, W., Fink, M., 2022. Green jobs in cities: Challenges and opportunities in African and Asian intermediary cities (Working Paper No. 7/2022). *Discussion Paper.* <https://doi.org/10.23661/dp7.2022>
22. Schreiber, M., Wingren, I., Linke, S., 2020. Swimming upstream: community economies for a different coastal rural development in Sweden. *Sustain. Sci.* 15, 63:73. <https://doi.org/10.1007/s11625-019-00770-0>
23. Snyder, R., St. Martin, K., 2015. A Fishery for the Future. *The Midcoast Fishermen's Association and the Work of Economic Being- in- Common.*, in: *Making Other Worlds Possible. Performing Diverse Economies.* University Of Minnesota Press, Minneapolis & London, pp. 26–52.
24. Turker, K.A., Murphy, J.T., 2021. Assembling community economies. *Prog. Hum. Geogr.* 45, 1–21. <https://doi.org/10.1177/0309132519884630>
25. Wilk, R., 2002. Consumption, human needs, and global environmental change. *Glob. Environ. Change* 12, 5–13. [https://doi.org/10.1016/S0959-3780\(01\)00028-0](https://doi.org/10.1016/S0959-3780(01)00028-0)
26. World Bank Group, 2023. *Total greenhouse gas emissions (kt of CO2 equivalent) - Uzbekistan, France.*

УЎК: 338.43:615.32.(575.1)

Элмурод ХАЛМУРАДОВ,
Давлат бошқаруви академияси
мустақил изланувчиси,
E-mail: exalmuradov@sqb.uz

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: корпоратив бошқарув, яъни компанияларнинг бошқариши ва назорат қилиши тизими, рақамли ечимларнинг пайдо бўлиши билан сезиларли даражада ўзгарди. Ушбу мақолада рақамли технологияларнинг корпоратив бошқарувга таъсири ўрганилади, фойдалари, муаммолари ва келгусидаги тенденциялари ёритиб берилди. Блокчейн, сунъий интеллект (AI) ва катта маълумотлар таҳлили каби рақамли воситаларни интеграция қилиши орқали ташиқлотлар шаффофлик, самарадорлик ва ҳисобдорликка эришиши мумкин.

Калит сўзлар: корпоратив бошқарув, рақамли ечимлар, сунъий интеллект, блокчейн, ERP тизимлари, рақамлаштириши.

Теоретические принципы использования цифровых технологий в инновационном развитии корпоративного управления

Элмурод Халмуратов,
Независимый исследователь
Академии государственного управления

Аннотация: корпоративное управление, то есть система управления и контроля компаний, существенно изменилась с появлением цифровых решений. В этой статье исследуется влияние цифровых технологий на корпоративное управление, подчеркиваются его преимущества, проблемы и будущие тенденции. Интегрируя цифровые инструменты, такие как блокчейн, искусственный интеллект (ИИ) и анализ больших данных, организации могут добиться прозрачности, эффективности и подотчетности.

Ключевые слова: корпоративное управление, цифровые решения, искусственный интеллект, блокчейн, ERP-система, цифровизация.

Theoretical principles of use of digital technologies in innovative development of corporate management

Elmurod Khalmuradov,
Academy of Public Administration
independent researcher

Abstract: corporate governance, that is, the management and control system of companies, has changed significantly with the advent of digital solutions. This article explores the impact of digital technologies on corporate governance, highlighting its benefits, challenges and future trends. By integrating digital tools such as blockchain, artificial intelligence (AI), and big data analytics, organizations can achieve transparency, efficiency, and accountability.

Keywords: corporate management, digital solutions, artificial intelligence, blockchain, ERP system, digitization.

Қириш

Корпоратив бошқарувда рақамли ечимлар (Digital Solutions in Corporate Governance) бизнесда юқори самарадорлик ва рақобатбардошликни таъминлашда муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Замонавий технологиялар, жумладан, big data, blockchain, cloud computing ва artificial intelligence (AI), корпоратив бошқарувнинг турли соҳаларида кенг қўлланилади.

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да “.....давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқарилсин” деб кўрсатилган. Иқтисодий реал секториди ва тижорат банклари ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида 700 нафар мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, иқтисодийда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 млн. АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларида етказиш, корпоратив бошқарувни оптимallasштириш мақсадида ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш (ERP) тизимларини жорий этиш каби вазифалар белгиланган [1]. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентабрдаги ПҚ-300-сон қарорига мувофиқ устав капиталида давлат улуши устун мавқега эга корхоналарнинг тегишли бошқарув органларида экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ЕСГ) тамойилларини жорий этиш кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги «Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида»ги ПФ-101-сон Фармонида белгиланган, шунингдек 2021–2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилишдаги асосий вазифаларни бажариш ушбу мавзунинг долзарблигини билдиради.

Тадқиқот методологияси

Мақолада кузатув, абстракт-мантқиқий фикрлаш, тизимли таҳлил, таққослаш ва иқтисодий шарҳлаш усулларидадан фойдаланилган.

Адабиётлар шарҳи

Корпоратив бошқарув ва рақамли технологиялар соҳасида кўплаб маҳаллий ва жаҳон олимлари илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Ўзбекистонлик олимлар орасида Д. Суюновни алоҳида таъкидлаш мумкин. У корпоратив бошқарувнинг стратегик жиҳатларини [11], А.Қодиржанов ва Д. Суюновлар компаниялар бошқарувига рақамли технологияларни жорий этишнинг иқтисодий самарадорлигини ўрганган [12]. А.Кенжабаев ва Д.Суюновлар рақамли технологияларнинг банклар фаолиятига таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борган [13].

Таҳлил ва натижалар

Тижорат банкларида корпоратив бошқарув соҳасидаги муаммоларнинг ечимини топишда банк ходимлари учун ҳам ахборот технологияларининг (АТ) роли ва фойдаси бекиёсдир. Ахборот технологияларининг мақсади – бу инсон томонидан ахборотни таҳлил қилиш учун маълумот тўплаш ва унинг асосида ҳаракатни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш тушунилади.

Бугунги кунда корпоратив бошқарувни инновацион ривожлантиришда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг назарий ва амалий асослари бўйича иқтисодчи олимлар томонидан турли фикрлар ва қарашлар баён қилинмоқда.

А.Е.Ушановнинг фикрича банкда рақамлаштириш – бу замонавий технологияларни жорий этиш орқали банкнинг бизнес-жараёнларини ўзгартиришидир. Бу жараён нафақат замонавий асбоб-ускуналар ёки дастурий таъминотни ўрнатишни, балки бошқарув, ўзаро муносабатлар ва корпоратив маданиятга ёндашувлардаги туб ўзгаришларни ҳам ўз ичига олади [4].

Р.Х. Хафизованинг билдиришича – Интернет-банкнинг ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади: ахборот, алоқа ва оператив. Барча Интернет-банкнинг асосланган биринчи тури – ахборот ҳисобланади [5]. У асосан маркетинг фаолияти билан ифодаланади ва мижозларга банк хизматлари ҳақида бирламчи маълумотларни тақдим этади. Ахборот банкнинг энг самарали усули – бу расмий веб-сайт ёки илова орқали мижоз билан мулоқот қилиш, чунки ушбу усул Big data орқали ҳар бир мижоз учун унинг шахсий имтиёзларига эътибор қаратган ҳолда тегишли хизматлар рўйхатини тақдим этишга қодирдир. Г.Ю.Мухараева "Банк тенденцияларини таҳлил қилиш бизга кредит ташкилотининг ривожланиш стратегиясини шакллантиришнинг иккита мумкин булган ёндашувини аниқлаш имконини беради, яъни инновацияларнинг ўзаро ривожланиши ва финтех стартаплари билан ҳамкорликка эътибор қаратиш [6].

К.Ю. Решетов ва М.В.Лосевалар – “тижорат банкларини бошқаришда рақамли технологияларнинг хусусиятларини тавсифлаш”нинг бир қисми сифатида улар рақамлаштириш ва бизнес моделларига таъсир қилишини таъкидлаш жоиз [7]. **Ушбу жараёнда учта асосий компонентни ажратиш мумкин:**

- мижозларнинг эҳтиёжларини яхшироқ тушуниш ва банк хизматларини сотиш ҳажмини оши-

риш орқали даромадни ошириш мақсадида рақамлаштириш тартибини ўз ичига олган мижозларга хизмат кўрсатишни рақамлаштириш;

- оператив банк фаолиятини автоматлаштириш ва рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда самарадорликни бошқаришни ўз ичига олган операцион жараёни рақамлаштириш;

- янги бошқарув ва ташкилий технологияларни жорий этиш тартибини, шунингдек, банклар фаолият соҳаларини кенгайтирувчи янги рақамли бизнес моделларини интеграциялашни ўз ичига олган бизнес модели ва рақамли бошқарувдир. Шунингдек, интернет тармоғи ва инфорацион технологиялар имкониятларидан фойдаланишга асосланган бир қанча янги маҳсулотлар ва хизматлар бозорлари пайдо бўлди, шунингдек мессенжерлар, агрегаторлар, интернет қидирув тизимлари, интернет реклама, электрон таълим ва бошқалар.

Ҳозирги даврда ижтимоий тармоқларнинг ҳам оммавийлиги борган сари ортиб бормоқда. Билл Гейтснинг сўзлари билан айтганда “....сиз интернетсиз савдо қилаётган бўлсангиз, билинги сиз савдо жараёнларидан ташқаридасиз” – деган фикрга қўшилган ҳолда, бугунги кунда рақамли технологиялардан фойдаланиш ўта долзарб эканлигини билиш зарурдир [8].

С.А.Плугатаренконинг «Рақамли иқтисодиёт экотизими рақамли инфорацион технологиялар ёрдамида қўшимча қиймат ҳосил қиладиган бозор сегментидир» – деган фиклари ҳам бор [9]. Мамлакатларда электрон бизнес соҳасидаги компанияларнинг фойдаланувчилар сонига ва улар сонининг кўпайишига боғлиқ бўлиб қолади. Бу эса компанияларга сотувдан катта миқдордаги даромад олинишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, рақамли иқтисодиёт – янги иқтисодий муҳит бўлиб, у бизнес учун янги ва жуда катта имкониятлар яратиб беради.

Бугунги кунда технологиялар Россия банк тизими учун инқилобий бўлиши мумкин бўлган глобал миқёсдаги қуйидаги индивидуал финтех стартапларини таъкидлаш керак [10]: бутун дунё банкларига транзакцияларни воситачиларсиз жўнатиш имконини берувчи ва маблағлар хавфсизлигини кафолатлайдиган Риппле тўлов тизимига эга финтех стартапи; Circle технологияси, бу ижтимоий тармоқлар учун илова бўлиб, у орқали хабарлар жўнатиш ва пул жўнатиш мумкин; Турли банклардан депозитларни таклиф қилиш учун платформани ўз ичига олган Deposit solutions технологияси.

Бундан ташқари бугунги кунда IBM компанияси банк тизимида рақамли банкингнинг тўртта йўналишини амалга оширишни таклиф қилмоқда [11]:

Биринчи йўналиш: Рақамли банкинг бренди – жамиятнинг замонавий эҳтиёжларига мослаштирилган инновацион брендлар, маҳсулотлар ва банк хизматларини кўрсатиш.

Иккинчи йўналиш: Рақамли каналларга эга банк – мавжуд банкларнинг банк-офиси банк лицензиясидан фойдаланади ва ўз маҳсулотлари ва хизматларини қулайроқ фойдаланувчи интерфейси орқали таклиф қилади.

Учинчи йўналиш: Дигитал Банк филиали – рақамли фойдаланувчининг тажрибаси ва янги бизнес жараёнларини бирлаштиради.

Тўртинчи йўналиш: Рақамли банк – рақамли технологиялар асосида ўз хизматлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқади ва бошқаради.

Бундан ташқари ушбу масалага турли йўналишдаги компаниялар ҳам ўз фикрларини билдиришмоқда. Чунки бугунги кунда банкларда корпоратив бошқарувни трансформация қилиш жараёнларини банк фаолиятини инновацион ишланмалар асосида рақамлаштиришдан бошлаш банк учун ва унинг мижозлари учун муҳим аҳамият касб этиб, банк секторини рақамлаштириш улкан салоҳиятга эга [12].

Шундай қилиб, McKinsey компаниясининг фикрига кўра, макроиқтисодий зарбалар бўлмаганда, банк тизими амбицияли ва кучли бозор етакчилари, замонавий тенденцияларга тезда жавоб берадиган регулятор мавжудлиги туфайли дунёдаги энг илғорлардан бирига айланиш учун яхши имкониятга эга [13]. Молия ва технологиялар дунёсида, шунингдек, аҳолининг молиявий хизматларни олишининг янги, қулайроқ моделларига ўтишга тайёрлиги туфайли бугунги кунда банк соҳасида бизнес жараёнларини рақамлаштириш соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Бугунги кунда тижорат банкларида корпоратив бошқарув эволюцияси бўйича олимлар ва тадқиқотчиларнинг қарашлари турлича бўлиб, асосан бир неча асосий босқичлар ва уларнинг таъсирига эътибор қаратишади.

Корпоратив бошқарув 4.0 компанияларнинг бошқарилиши ва фаолият юритишига нисбатан янги парадигма ўзгаришини ифодалайди. Бу эволюция сунъий интеллект (AI), Интернет буюмлари (IoT),

катта маълумотлар (Big Data), блокчейн ва булутли ҳисоблаш каби замонавий рақамли ечимларнинг корпоратив бошқарув структураларига интеграциясини характерлайди [14]. Қуйидаги 1-жадвалда бу эволюциянинг асосий босқичлари ва уларни амалга оширишга ёрдам берган рақамли ечимлар келтирилган.

Корпоратив бошқарув эволюцияси давомида кўзатиладиган кенгашларнинг роли ва масъулиятлари анча ўзгарди. Ҳозирги бошқарув 4.0 даврида рақамли технологиялар корпоратив бошқарувнинг ажралмас қисмига айланди ва бу компанияларнинг узок муддатли муваффақиятини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда [15].

Бу айрим иқтисодчи олимлар фикрича бир қатор муҳим омилларга асосланади: стратегик билимларни замонавий акциядорлик жамиятларини муваффақиятли ривожлантиришнинг асосий манбасига айлантириш, ички назорат самарадорлигини оширишнинг долзарб масалаларини очиб берган сўнгги корпоратив можаролар сабоқлари капитал бозоридаги рақобат ва корпоратив ижтимоий жавобгарлик муаммолари [16]. Шунинг учун корпоратив бошқарув жараёнларида ахборот технологияларини қўллаб-қувватлашга қўйиладиган талаблар бўлиши мақсадга мувофиқ.

1-жадвал

Корпоратив бошқарувнинг эволюцияси ва босқичлари

Корпоратив бошқарув босқичлари	Корпоратив бошқарув босқичларининг тавсифи
Корпоратив бошқарув 1.0: Узокдан назорат қилиш	Анъанавий бошқарув, қўл меҳнатига асосланган жараёнлар ва иерархик тузилмалар.
Корпоратив бошқарув 2.0: Мувофиқлик ва ислохотлар	Молиявий ҳисобот ва алоқа учун асосий ахборот тизимларини жорий этиш.
Корпоратив бошқарув 3.0: Манфаатдор томонлар ва ESG	Яхшиланган ахборот технологиялари инфратузилмаси, мослик ва хавфларни бошқаришга катта эътибор.
Корпоратив бошқарув 4.0: Рақамли трансформация	Ҳақиқий вақт режимида маълумотлар таҳлили, шаффофлик ва автоматлаштириш учун рақамли технологияларнинг интеграцияси.

Манба: таҳлилий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, банклар бошқарувида тезкор маълумот ва ахборотлар алмашинуви, муаммоларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этиш, бозор ҳолатини ўрганиш ва тезкор қарорлар қабул қилишда рақамли технологиялардан фойдаланиш юқори самара бермоқда [17]. Масалан, Буюк Британиянинг Молиявий Ҳаракат Агенти (FCA) реал вақтда мувофиқликни назорат қилиш учун RegTech ва сунъий интеллектдан фойдаланиб келмоқда.

Бугунги кунда компаниялар рақамли трансформацияни амалга ошириш орқали бизнесда муҳим янгиликларга эришмоқдалар. Саноат корхоналарида инновацион бошқаришни ташкил этиш янги рақамли технологиялар, жумладан, Big Data аналитикаси, роботлар, сунъий интеллект, IT, Blockchain, булутли ҳисоблаш ва ҳоказоларни қўллаш орқали амалга оширилмоқда. Корпоратив бошқарувда рақамли трансформация – бу рақамли технологияларнинг корпоратив бошқарув жараёнларига интеграциясини англатади [18]. Бу, ўз навбатида, қарор қабул қилиш-

ни яхшилаш, шаффофлик ва масъулиятни ошириш, комплаенс ва хавфларни бошқаришни яхшилашни ўз ичига олади. Асосий рақамли ечимлар қуйидагиларни ўз ичига олади [19]: маълумотлар таҳлили ва сунъий интеллект (AI), блокчейн технологияси, автоматлаштирилган комплаенс тизимлари, ERP тизимлари ва роботлаштирилган жараёнларни автоматлаштириш (RPA). Бу ечимлар бизнес жараёнларни оптималлаштириш ва самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Рақамлаштиришнинг асосий хусусиятларидан бири ўзгаришларнинг фавқулудда тезлиги, ўзгарувчанлиги, жисмоний, ижтимоий ва рақамли дунёнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда яқинлашуви ортиб бораётганидир [20].

ERP тизимлари корхона ресурсларини режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш учун интеграцияланган дастурий таъминот бўлиб, барча операциялар, маълумотлар ва жараёнларни ягона платформада бирлаштиради. ERP тизимлари корпоратив бошқарувни самарали ташкил қилишда,

ҳисобдорликни оширишда ва масъулиятли қарор қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга [21]. Улар компанияларга ҳуқуқий ва норматив талабларга мос келишда, хавфларни бошқаришда, маълумот хавфсизлигини таъминлашда ва шаффофликни оширишда ёрдам беради. Масалан, SAP ERP ва Oracle ERP Cloud тизимлари комплаенсни автоматлаштирилади ва аудитор изларини сақлайди.

ERP нинг асосий фарқи шундаки, у корпоратив ресурсларни эмас, балки унинг барча қисмларини қамраб олган ҳолда бошқариш имконини беради. Уни бошқа дастурий воситалардан фарқлаш учун оддий, тизим:

- компаниянинг барча бўлимларининг вазифалари ва маълумотлар базаларини бирлаштиради;
- ягона ахборот муҳити яратилишини таъминлайди;
- корхонада ҳар қандай муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради. Корпоратив бошқарувда ERP тизимларидан фойдаланиш йўналишлари 1-расмда келтирилмоқда. ERP тизимлари бир марталик кенгайтирилган маълумотларни тўплашни таъминлайди, такрорлашни бартараф қилади. Бу жараёнлар интеграл бошқарув тизимларини жорий қилиш орқали тақдим этиладиган маълумотларни умумий тақдим этиш, корпоратив бошқарувни стандарт ва ихтисослаштирилган ҳисоботларни тайёрлаш учун кенгайтирилган имкониятларни тақдим этади [22].



1-расм. Корпоратив бошқарувда ERP тизимларидан фойдаланиш йўналишлари

Манба: таҳлилий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқарилган.

Компаниянинг ягона маълумотлар базасида барча маълумотларни сақлаш ахборотнинг юқори даражада бўлишини таъминлайди, шунингдек, ҳисобот маълумотларига нисбатан ягона нуқтаи назарни кафолатлайди. Ресурсларни бошқариш тизимидан фойдаланувчилар учун ахборотларни таҳлил қилишга йўналтиришга ёрдам беради, нафақат тактик фойдаланиш, балки турли бўлимлардан олинган маълумотлар интеграциясини амалга ошириш, доимий жараёнларни мунтазам равишда кўриб чиқиш имконини беради [23].

Хулоса

Шундай қилиб, хулоса қиладиган бўлсак, корпоратив бошқарув жараёнларини рақамли технологиялар асосида трансформация қилиш бўйича қуйидагиларни билдиришимиз мумкин. **Биринчидан**, стратегик аҳамиятга эга йирик компанияларда, шунингдек тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини оширишга ERP тизимларини жорий қилишда маҳаллий дастурий таъминот маҳсулотлари ва хизматларига аҳамият бериш зарур. Бугунги кунда мазкур маҳсулот ва хизматларнинг бозори жуда катта бўлмасда, давлатимизда 1 миллион дастурчи муҳандислар тайёрлаш бўйича қилинаётган ишлар ўз самарасини беради. **Иккинчидан**, ERP тизимларини жорий этиш корпоратив бошқарув қарорларининг реаллиги ва аниқлигини таъминлаш учун зарур бўлган ягона ахборот мақони яратилишига олиб келиши керак. **Учинчидан**, яратилган ERP тизимларининг модуллари доимий равишда янгиланиб борилиши, аниқланган камчиликлар тезкор равишда бартараф этилиши тижорат банклари фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олган ягона ахборот мақонини яратади. **Тўртинчидан**, ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун техник таъминотни кучайтириш (серверлар, маршрутизатор, катта массивдаги маълумотларни сақлаш учун катта ҳажмдаги маълумот сақловчи серверлар) зарур ва имкон даражасида, маълумотларни маҳаллий дата-марказларда сақлаш лозим бўлади. Бешинчидан, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва банк хизматларини сифатли кўрсатишда замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш ва бошқарув услубларининг инновацион турларини яратувчи илмий лабораториялар ва тажриба марказларининг ишларини молиялаштириш ва уларнинг фаолиятини таъминлаш имкониятлари кенглиги ва ҳоказолар. Шунингдек, тижорат банклари фаолиятини корпоратив ташкил этиш ва бошқаришнинг

кенг имкониятлари банкларнинг устунликларидан фойдаланишга асосланиб, уларни тузишнинг кўплаб вариантларидан фойдаланган ҳолда мижозлараро муносабатларни моделлаштириш имконини ҳам беради [24].

Ташкилий тузилмаларни расмийлаштиришнинг ниҳоясига етганлиги, масъулият ва ваколатларнинг белгилашдаги регламентларнинг ўрнатилганлиги, акциядорлик жамиятлари бошқарув органлари ўртасидаги нозорат функциясининг тўғри ва реал тақсимланиш имконини беради:

- акциядорлар таркибига кириш ва ундан чиқишнинг соддалаштирилган тартибини, манфаатдор шахслар ротациясининг кенг имкониятларини ҳамда тегишли равишда инвестицион таклифларнинг ўта ўзгарувчанлиги шароитида юқори мослашувчанликни, яъни ўзгаришларга мосланувчанликни таъминлайди;

- тижорат банкларидаги рискларнинг чекланган масъулият тамойили даражасини камайтиришга имкон яратади. Чекланган масъулият тамойилининг амал қилиши рискларни акциядорлар ва бошқарувчилар ўртасида тақсимлаш орқали йирик корпорацияларни ташкил этишни мумкин қилиб қўйди.

Умуман олганда, юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мумкин бўлади:

1. Мамлакатимизда кейинги йилларда инновацион ишланмалар, маҳсулот, иш ва хизматларни яратиши ҳар қандай соҳада ва тармоқда барча кўрсаткичларнинг кескин ўсишини таъминлаган бў-

лишига қарамасдан бир қатор муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, биринчи марта ўзлаштирилган корхоналарни инновацион маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар сонидаги улуши камайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

2. Тижорат банклари корпоратив бошқарув қарорларининг қабул қилинишида сунъий интеллект ва катта маълумотлар таҳлилидан фойдаланишлари ҳамда ERP (Enterprise Resource Planning) тизимларини жорий қилишлари лозим. ERP тизимлари барча бизнес жараёнларни ягона платформада бирлаштириб, уларнинг шаффофлигини ва самарадорлигини оширади. Бу технологиялар корпоратив маълумотларни таҳлил қилиш ва рискларни олдиндан аниқлаш учун муҳимдир.

3. Тижорат банклари фаолиятини ва корпоратив бошқарув жараёнларини трансформация қилишида инновацион ишланмаларни шакллантирувчи марказлар, бўлимлар фаолиятининг барча босқичларини амалга ошириши учун тизимлаштирилган қонунчилик базасини яратиши, инновацион инфратузилмаларнинг элементлари бўлган технопарклар, кичик инновацион корхоналар, техник платформалар, инновацион кластерлар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириши зарур бўлади.

4. Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятини трансформация қилиш ва бошқарув жараёнига рақамли технологияларни жорий қилишга қаратилган фаол сиёсатни амалга ошириши муҳим аҳамият касб этади.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 февралдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги ““Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й.
4. Ушанов, А. Е. (2019). Принцип клиентоцентричности банковской деятельности в условиях цифровизации. Финансовые рынки и банки, (2),35-40.
5. Хафизова Р.Х. (2022). ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОГО БАНКИНГА. Международнй журнал гуманитарных и естественных наук, (5-4), 240-243. doi: 10.24412/2500-1000-2022-5-4-240-243

6. Мухараева Герел Юрьевна (2020). Разработка стратегии с учетом последних банковских трендов. *Стратегии бизнеса*, 8 (6), 147-149.
7. Решетов К.Ю., & Лосев М.В. (2021). Цифровизация в банковской сфере. *Вестник Национального института бизнеса*, (43), 28-35.
8. Билл Гейтс. “Жаҳоннинг энг бой кишиси” босиб ўтган йўл. *Китоб*. 15.03.2016.
9. С.А.Плугатаренко. Что такое цифровой суверенитет и как Кремль его хочет достичь: главные цели до 2030 года. *Журнал Экономика*. 1 июля 2024.
10. Suyunov D.X.: *Theoretical principles of improving the modern corporate control system in joint stock companies. International journal of economic perspectives*, 16, 11, 90-97, 2022.
11. Bhattacharyya, D., Dietz, M., Edlich, A., Höll, R., Mehta, A., Weintraub, B., & Windhagen, E. (2023). *Global Banking Annual Review 2023: The Great Banking Transition*. In McKinsey & Company.
12. Suyunov D.X.: Qodirov. T.U.: *Ways for a leader to work on speech and improve speaking skills. American journal of pedagogical and educational research*, 11, 29-32, 2023.
13. J.E. Stiglitz *Capital market liberalization, economic growth, and instability//World development*. –2000.– T.28. –№. 6.–С. 1075.
14. Суюнов Д., Рўзиев А., Кенжабаев А.: *Электрон тижорат. “BROK CLASS SERVIS” МЧЖ босмахо-насида чоп қилинган. Дарслик*. 2023 йил. 356 бет.
15. Suyunov D.X.: *Assessment of the possibilities of using digital models of corporate management in joint-stock commercial banks. Miasto Przyszłości Kielce 2024 Impact Factor: 9.9 ISSN-L: 2544-980X 1588Vol. 49 (2024)*.
16. Суюнов Дилмурод Холмурадovich: *Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив назорат тизимини жорий этишни такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари. Boshqaruv va etika qoidalari onlayn ilmiy jurnali*, 3, 2, 433-441, 2023.
17. D.Suyunov, A. Qodirjanov. *Human development summary capturing achievements in the hdi and complementary metrics that estimate gender gaps, inequality, planetary pressures and poverty. human development. Молодые ученые 2 (17), 95-100. 2024*.
18. Д.Х. Суюнов, Д Мирхидоятова. *Корпоратив бошқарувда рейтинг даражалари ва мониторинг тизими. Uzbek Scholar Journal 27, 80-87. April – 2024. www.uzbekscholar.com*.
19. S.D Kholmuradovich, *Improving the methods of assessing the economic efficiency of digitalization of corporate management in joint-stock commercial banks. Holders of reason 2 (3), 127-133*.
20. Suyunov D.X.: *Korporatsiya status va rivojlanish yo'llari. Holders of reason, 2, 3, 134-139, 2024*.
21. Д.Х Суюнов, Ф. М. Махкамбаева. *Давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларида илгор хорижий тажриба асосида корпоратив бошқарувни такомиллаштириши. Uzbek Scholar Journal 26, 39-44.2024*.
22. S Dilmurod, K Karimov, *Pharmacokinetic parallels of gentamicin in blood, lymph nodes and soft tissues of a gunshot wound to an extremity by different methods of administration. Central Asian Journal of Medical and Natural Science 4 (6), 405-411. 2023*.
23. Suyunov D.X.: *Problems in the development of remote banking services in commercial banks of Uzbekistan. World Economics & Finance Bulletin (WEFB) Available Online at: https://www.scholarexpress.net.Vol. 26, September, 2023ISSN: 2749-3628*.
24. D.X. Suyunov, V.R. Kaytavov, *Current issues of digitization of transformational processes in commercial banks. American Journal of Business Management, Economics and Banking 10, 38-45. 2023*.

УЎК: 330.11 62: 34(575.1)

Одил НОРБОЕВ,*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти,
E-mail: odilnorboyev75@gmail.com*

МУЛК КАПИТАЛЛАШУВИ АМАЛ ҚИЛИШИНING АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Аннотация: тадқиқот ишимизда мулк капиталлашуви амал қилишининг назарий қарашлари, бу турдаги мулк капиталлашуви иқтисодий фаолиятдаги асосий тушунчалар, мулк капиталлашувининг ижобий жиҳатлари, мулк шаклларининг келиб чиқиши сабаблари, бу борада “иқтисодий илм олимлари” қарашлари, мулк капиталлашуви жараёнларининг асосий жиҳатлари ва мулк дахлсизлигига оид масалалар ёритиб берилган. Шунингдек, бозор тизимида мулк капиталлашувига тегишли хулоса ва таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: мулкчилик муносабатлари, мулк капиталлашуви, мулк шакллари, мулк дахлсизлиги, мулк реализацияси, хусусий мулкка эгалик ҳуқуқи.

Основные принципы действий капитализации имущества

Одил Норбоев,*Доцент кафедры экономической теории
Ташкентского государственного экономического
университета*

Аннотация: в нашей исследовательской работе рассмотрены теоретические взгляды на реализацию капитализации имущества, основные понятия этого вида капитализации имущества в экономической деятельности, положительные стороны капитализации имущества, причины возникновения форм собственности, мнения экономистов по этому поводу. В связи с этим освещены основные аспекты процессов капитализации имущества, а также вопросы, связанные с неприкосновенностью собственности. Также представлены выводы и предложения относительно капитализации недвижимости в рыночной системе.

Ключевые слова: имущественные отношения, капитализация имущества, формы собственности, неприкосновенность собственности, реализация имущества, право владения частной собственностью.

The basic principals of capital multiplication implementation

Odil Norboev,*Tashkent State University of Economics,
Associate Professor, Department of Economic
Theory*

Abstract: our research work examines theoretical views on the implementation of property capitalization, the basic concepts of this type of property capitalization in economic activity, the positive aspects of property capitalization, the reasons for the emergence of forms of ownership, and the opinions of economists on this matter. In this regard, the main aspects of the processes of capitalization of property, as well as issues related to the inviolability of property, are highlighted. Conclusions and proposals regarding the capitalization of real estate in a market system are also presented.

Keywords: property relations, capitalization of property, forms of ownership, ownership of property, sale of property, right of ownership of private property.

Кириш

Миллий иқтисодиётимизда мулкчилик ва унинг реализацияси бўйича қулай шароитлар яратиш заруриятга айланган бўлиб, бу иқтисодиётнинг ривожланиши учун ҳаракатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Миллий иқтисодиётни жадал тараққий

этириш ва эркинлаштиришга қаратилган халқ хўжалиги иқтисодиёти ривожланишини таъминлаш ва иқтисодий ўсишда миқдор ва сифат томонларига эътибор қаратиш, иқтисодиётимизда рақобатга чидамликни такомиллаштириш, аграр соҳани янгилаш ва жадаллаштириш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини кўпайтириш, хусусийлаштирилиши белгиланган давлат активлари савдога чиқарилиши бўйича ишларни амалга ошириш, мулк дахлсизлигини олдини олиш, тинимсиз изланиш ва ишлаб чиқарувчи яратувчиларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудлардаги тармоқларни янги технологиялар билан таъминлаб жозибдорлигини ошириш, кириб келадиган инвестициялар ҳаракатини ҳимоя қилиш жараёнида миллий иқтисодиётимиз тармоқ ва соҳаларига чет эл инвестицияларини актив жалб қилишди» [1].

Умуман, иқтисодий тизимнинг амал қилиш барқарорлиги ва ривожланиши учун мулк капиталлашуви асосий роль ўйнайди. Бу асосий тамойиллар иқтисодий тизимнинг барқарорлиги ва ривожланишига кўмаклашади.

Миллий иқтисодиётимизда мулк турларини кўпайтиришга ҳаракат қилинади, сабаби товар моддий ва маънавий неъматларнинг муайян кишилар эгаллигида бўлиши ва улар томонидан ўзлаштирилгандан кейингина айирбошланиши мумкин. Давлатимиз Қомусида: «**Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини турли хил шакллардаги мулк ташкил этади**», деб таъкидланади [2].

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг I-блокида **“Ҳар бир кишига ўз қобилиятларини намоён этишига керакли қулайликлар яратиб бериш”** бўйича 44 та мақсад ва шунга оид 2030 йилга қадар амалга ошириладиган вазифаларнинг сифатли бажарилиши белгиланган ва бу эса стратегик мақсадларга эришишда мулк капиталлашувини ривожлантириш долзарблигини ифодалайди [17].

Адабиётлар шарҳи

Ҳозирга қадар иқтисодчи олимларимизнинг илмий изланишлари ва иқтисодиётда хусусий мулк капиталлашуви даражасини таҳлил қилиш бўйича хориж олимлари бир қанча тадқиқот ишларида иқтисодиётнинг реал ҳолатини ўзаро таъсирда ўрганиш ва соҳаларни ривожлантириш бўйича концепциялар ва турли тавсиялар ишлаб чиқиш масаласига эътибор берганлар.

Институционал иқтисодиёт бўйича қарашларни биринчи бўлиб Торштейн Веблен (1857-1929 йй.) ўзи-

нинг илмий ишларида қўллаган. Т.Веблен ўзининг биринчи ва энг нуфузли бўлган **“Бўш вақт синфи назарияси: институтларни иқтисодий ўрганиш”** – **“Дам олувчи синфининг назарияси: институтларни иқтисодий ўрганиш”** китобини ёзган (1899 й.) [3].

Мазкур китобда Т.Веблен капитализм шароитида одамларнинг муваффақиятни кўрсатиш усули сифатида ўз бойликларини намоиш этиш мотивациясини таҳлил қилган. Китобда одамларнинг ҳашаматли дам олишни кўз-кўз қилишларини танқид қилган.

Мулк ҳуқуқлари тўғрисидаги қоида биринчи марта 1966 йилда Жорж Стиглер томонидан қуйидагича тузилган – **“Агар мулк ҳуқуқлари маълум даражада таъминланган бўлиб ва трансакция харажатлар нолга тенг бўлса, унда мулк ҳуқуқларини тақсимлашдаги ўзгаришлардан қатъий назар, ресурсларни тақсимлаш (ишлаб чиқариш таркиби) ўзгаришсиз ва самарали бўлиб қолади”**. Стиглернинг сўзлари 1960 йилда нашр этилган Роналд Коузнинг “ижтимоий харажатлар муаммоси” мақоласига асосланган эди [4].

Роберт Элликсон, **“Ҳуқуқсиз тартиб. Қўшнилар низоларни қандай ҳал қилишади”** номли китобида Калифорния штатидаги Шаства округидаги чорвадорлар ва деҳқонлар мисолида, Р.Коуз қоидадан фарқли ўлароқ, жамиятлардаги қўшнилар (мулкдорлар ва иқтисодиётда фаол бошқа иштирокчилар) ҳуқуқий меъёрларни эътиборсиз қолдириб, амалдаги норасмий ижтимоий меъёрлар фойдасига ҳал қилишга келишиб олишлари кўпроқ наф келтириши, бундан ташқари ер ва мулкдан фойдаланишда янада самарали натижаларга эришишини кўрсатиб берган [5].

Инсон капиталига харажат ҳақида гап кетганда, иқтисодиётдаги асосий муаммолардан бири боқимандалик муаммоси (инг. free-rider problem, рус. эффект безбилетника) ҳисобланади [6].

К. Р. Макконнелл ва С. Л. Брю сўзларига кўра, боқимандалик муаммоси – бу бўлинмас ишлаб чиқариладиган меҳнат маҳсулоти ва сервис харажатларини ўз зиммасига олганларнинг ушбу товарлар ва хизматлардан фойда кўрганлардан тўловни ололмаслиги, бу ҳолда истисно қилишнинг имконияти йўқлиги ҳисобидан адолатли тақсимотни амалга ошира олмасликни англатади [7].

Инсон капиталига харажатлар қилишда бюджет маблағларини исроф қилиш (ингл. Soft Budget Constraint, SBC, рус. Мягкое бюджетное ограниче-

ние) ўта хавфли ҳисобланади. Бюджет маблағларини исроф қилиш – бу иқтисодиётга зарба бўлиб, иқтисодий агентлар тўловга лаёқатсизлик хавфи билан боғлиқ ечимларни топадилар, бундай вазиятда молиявий ёрдам ташқаридан берилишини кутишади. Ушбу атама илк маротаба иқтисодий адабиётга 1979 йилда режали иқтисодиёт шароитида корхоналар хатти-ҳаракатларини ўрганиш жараёнида Янош Корнаи томонидан киритилган [8].

Шундай экан, Адам Смит ишлаб чиқарувчи яратувчининг мулкдор эканлигини баён қилиб, у фойда кўриш билан савдо мақсадини рўёбга чиқариш учун риск қиладиган инсондир, деб таърифлайди» [9].

Аристотелнинг фикрича, хусусий мулк жамиятда фойдали функцияни бажаради, хусусий мулкка бўлган ҳуқуқни маъқуллаган ҳолда, унинг миқдори бўйича чеклов ўрнатадиган қоидалар татбиқ этилмаслиги зарур [14].

Буюк аллома Конфуций мулк ва унинг турларини алоҳида фарқлар бўйича таҳлил қилади. Ўз навбатида хусусий мулкка устуворлик беради [16].

Таҳлил. Мулкчилик шакллариининг турли-туманлиги ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий не-

гизи бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра, давлат ва жамият қурилишида ҳақиқий мулкдорлар синфининг тутган ўрнига қараб жамиятдаги умумий барқарорлик ва мустаҳкамлик қарор топади. Маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бозор тизимига ўтилиши яратувчининг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини ошириш мақсадида мулкчиликнинг барча таркибий тузилмаси ва уни рўёбга чиқариш шаклларида чуқур ўзгаришларни тақозо этади. Мамлакатимизда ҳар бир алоҳида шахснинг манфаатларини амалга оширишнинг самарали механизмини ҳамда қулай муҳитини яратмай туриб янгиланиш ва тараққиёт йўлидан бориб бўлмас эди. Шу сабабли, Ўзбекистон иқтисодиётида давлатнинг бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий чора-тадбирлари тизими, ҳақиқий мулкдорлар синфини қарор топтириш ва ривожлантириш муаммолари билан боғлиқ. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши мамлакатимиз бозорларини маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдириш, янги иш жойларини яратиш, ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

1-жадвал.

Мулкчиликнинг асосий шакллари мазмунини тавсифловчи жиҳатлар [17]

Мулк шакллари	Асосий тавсифи	Шаклланиш манбалари ва йўллари	Аниқ намоён бўлиш шакли
Давлат мулки	Мулкка эгаллик, мулкдан амалда фойдаланиб бундан наф кўриш.	- мулкнинг давлат ихтиёрида бўлиши, давлат секторига ўтказилиши; - давлат сармояларидан корхоналар барпо қилиш; - давлат ихтиёридаги муассасаларга инвестицияларни жалб қилиш.	Миллий корхона ва ташкилотлари мулки, республика ва муниципал мулки.
Жамоа мулки	Бу жамоага ихтиёрий равишда бирлашган кишиларнинг умумий мулки бўлиб, бу мулкнинг эгалари шу жамоада меҳнат қилиши шарт.	- корхона жамоаси томонидан давлат мулкни сотиб олиш; - бадалларни жамлаб, янги корхонани ташкил этиш; - акция чиқариш ва сотиш	Кооперативлар, ижара ва жамоа корхоналари мулки.
Шахсий мулк	Фуқаролар мулки бўлиб, уларнинг ўз манфаатлари учун хизмат қилади. Фуқароларнинг оиласи шахсий ёки оилавий эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган мулк.	- Оиладаги шахсларнинг меҳнати; - дивиденд; - банк фоизи; - хусусий тадбиркорлик даромади.	Турар жойи, фойдаланилаётган томорқалари, машина ва тракторлари, пул маблағлари, рўзғор буюмлари ва х.к.
Хусусий мулк	Мулкдорларга тегишли, бу мулкни ўзлаштиришнинг хусусий усулига асосланган шакли.	- айрим шахслар ёки оилаларга тегишли мулк; - давлат муассасалари, кичик корхоналар, хизмат кўрсатиш соҳаларини сотиб олиш.	Хусусий шахсларнинг турли кўринишдаги мол-мулклари, хусусий корхоналар мулки ва бошқалар

Манба: муаллиф ишланмаси.

Мулкчиликнинг иқтисодий мазмунини очиб беришда бозор тизимида мулк реализациясининг иқтисодий табиати ва хусусиятлари муҳим ўрин тутади.

Мулкчиликнинг иқтисодий тизими таркибан қуйидагиларда мужассам бўлади:


- 1) иқтисодий неъматларни ўзлаштириш;
- 2) ушбу неъматлардан хўжаликда фойдаланиш;

3) мулкнинг иқтисодий реализацияси.

Мулкнинг иқтисодий реализацияси мулкчилик объекти унинг эгасига меҳнат маҳсули, фойда, солиқлар ва бошқа турли тушумлар (тўлиқ ёки қисман) кўринишида даромад келтирган ҳолатда амалга ошади.

Мулкнинг иқтисодий реализацияси – бу мулкдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш орқали унинг нафли хусусиятларини ўзлаштириш ҳисобланади. Мулкни ўзлаштириш даражалари турлича (фойдаланиш, мулк ҳуқуқи эгасининг қўлида бўлиши, мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш) бўлгани сабабли, унинг иқтисодий реализацияси шакллари ҳам турлича кўринишда намоён бўлади. Мулк капиталлашуви уни реализация қилишнинг бош асосини ташкил этади.

Мулкни реализация қилишнинг иқтисодий шакллари – даромадларнинг барча турлари, фойда, фоиз, рента, иш ҳақи, турли кўринишдаги имтиёзлар ва рағбатлантирувчи жамғармалар ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, мулкни реализация қилишнинг иқтисодий шаклларини қуйидаги чизма кўринишида ифодалаш мумкин.




1-расм. Мулкни реализация қилишнинг иқтисодий шакллари [18].

Манба: муаллиф ишланмаси.

Шу ўринда, фикримизча, мулкни реализация қилишнинг иқтисодий шаклларининг вужудга келиши иқтисодий ресурс турлари билан боғлиқлиги тўғрисидаги гипотезани илгари суриш мумкин. Ушбу ҳолатни қуйидаги чизма (2-расм) орқали янада яққолроқ тасаввур этиш мумкин.

Мулкдан фойдаланишдан олинган фойда, фоиз, рента, иш ҳақи, бошқа даромад турлари ёки мулкдан

фойдаланиш юзасидан берилган имтиёзлар, шакллантирилган рағбатлантирувчи жамғармаларнинг ҳажми мулкдан қай даражада самарали фойдаланганликни кўрсатиб беради.



2-расм. Мулк иқтисодий реализацияси шакллари иқтисодий ресурс турлари билан боғлиқлиги [19].

Манба: муаллиф ишланмаси.

Мулк иқтисодий реализациясининг муҳим шакли бўлиб даромадлар ҳисобланади. Моддий неъматлар тайёрлашда одамлар фойдаланадиган асосий воситаларни қўллаш орқали олинган жами тушумни намоён этади. Даромад сифатида фойда, солиқ, турли кўринишдаги тўловлар майдонга чиқиши мумкин. Агар, масалан, мулкдор мол-мулкни ижарага берса, у ижара ҳақи белгилайди. Ижара ҳақи ўз ичига мол-мулкка қўйилган капиталга белгиланган фоизни ва ундан ижарачи томонидан фойдаланишда яратилган фойданинг бир қисмини олади.

Шундай қилиб, мулкчилик муносабатлари тизими кишиларда иқтисодий манфаатларни вужудга келтиради. Мулкдорларнинг хўжалик хулқ-атворини тадқиқ этишда субъектларнинг қай бири ва қандай наф кўришини инобатга олиш лозим [20].

Мулк иқтисодий реализациясининг муҳим шакли бўлиб уй хўжаликлари ва фирмаларнинг даромадлари, қарз фоизи, рента, дивиденд ва мол-мулкни кўпайтиришнинг бошқа шакллари майдонга чиқади. Бу мулкчилик муносабатларини таркиб топтирувчи жиҳатлар – мулкни ўзлаштириш, бегоналаштириш, тасарруф этиш, мулкни ишлатиш жараёнида рўй беради.

Бу ресурслар, мол-мулк, яратилган мулк шакллари даромадларининг турли кўринишларини корхоналар ҳамда жисмоний шахсларга иқтисодий ва юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиши жараёнидир [21].

Шу ўринда “ўзлаштириш-бегоналаштириш” жараёни бир вақтда рўй беришини таъкидлашимиз лозим. Яъни, муайян субъект томонидан мулкнинг ўзлаштирилиши айни пайтда бошқа субъектларнинг мазкур мулкдан бегоналаштирилаётганини англатади.

Мулк капиталлашуви иқтисодий наф келтириш билан узвий боғлиқ экан, бунинг даражалари уч жиҳати билан фаркланади, яъни мулкдан максимал даражада фойдаланиш, мулкдан меъёрий фойдаланиш ва мулкнинг ҳаракатсизланиши содир бўлиши. Бу жиҳатлар иқтисодий фаоллик даражасига боғлиқ бўлиб, мулкнинг капиталлашувига таъсир этади.

Хулоса ва таклифлар

Мулк капиталлашувини ошириш: компания ёки ташкилотнинг активларини ва молиявий ресурсларини самарали тарзда ишлатиш ва улардан максимал фойда олишни таъминлашни мақсад қиладиган молиявий стратегия ва амалиётлар жуда муҳим ҳисобланади. Мулк капиталлашувида капитални ишлаб чиқариш, уни сотиш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнларини янада ривожлантириш, тизимли ишловчи кадрларни меҳнатга чорлаш, стратегия ва режаларни яратиш ва натижаларни таҳлил қилиш кўрсатиладиган муҳим амалиётлардир. Мулк капиталлашувининг асосий мақсади бўлиб активларни самарали тарзда ишлатиш ва улардан максимал фойда олиш, компаниянинг капиталини ошириш ва ривожлантириш, компаниянинг молиявий самарадорлигини ошириш ва истиқболини белгилаш лозим бўлади.

Мулк капиталлашуви компания учун муҳим бўлиб, унда компаниянинг истиқболини белгилаш ва ривожлантириш учун керакли ресурсларни таъминлашда катнашадиган биринчи амалиёт бўлиб, компаниянинг долзарб активларни ишлатиш тизимини янада яхшилаштиришидир.

Молиявий структурани мустаҳкамлаш: Мулк капиталлашуви, инвестицияларнинг узоқ муддатда қайтарилишини ҳисобга олади. Бундан ташқари, фойдаланувчилар учун тезкорлик ва қулайликлар яратиш учун молиявий структурани мустаҳкамлаш талаб этилади. Бунинг учун, молиявий тузилмаларни такомиллаштириш, даромад ва харажатларни бошқа молиявий воситалар билан солиштириш орқали самарали даромадларни кашф этиш учун молиявий тузилмаларни оптималлаштиришни таклиф этамиз.

Инвестиция сифати ва мақсадлари: Мулк капиталлашуви, мақсадли ва мавжуд ресурсларни самарали бошқаришга асосланади. Мулкний капиталлашувни бошқаришда, инвестиция мақсадлари ва инвестиция сифати қандай қилиб мослаштирилиши кераклигини тушунтириш жуда муҳимдир. Бунинг учун, иқтисодий мақсадларни аниқлаб чиқиш ва уларни мулкний капиталлашув стратегиялари билан мослаштириш учун қулайликлар яратиш учун инвестиция сифатини аниқлаш ва мақсадли кўрсатмалар тузишни таклиф этамиз.

Мулкний ҳуқуқни мустаҳкамлаш: Ҳуқуқий ва қонуний кўрсатмалар ҳақида мулк хавфсизлигини таъминлаш ва инвестицияларни қонунлар ва давлат сиёсатига мослаштириш учун қўлланмалар жорий этишни таклиф этамиз.

Инновациялар ва технологиялар: Сўнгги йилларда мулкний капитализацияда инновациялар ва технологиялар ўз аҳамиятига эга бўлди. Янги технологиялар, даромад ва самарали бошқариш жараёнларини такомиллаштиришга ёрдам бериши мумкин. Бунинг учун, инновацион технологияларни интеграциялаш, даромадни ошириш, янги имкониятлар яратиш учун мулкний капитализацияда янгиликларни қўллаб-қувватлашни таклиф этамиз.

Ушбу принциплар ва таклифлар билан, мулкний капитализация бозорларда ўзгарувчанликни қабул қилиш, самарали молиявий бошқарув ва инвестицияларни ўзлаштириш учун керакли асослар билан тўлдирилиши мумкин.

Мулк капиталлашувини ошириш бўйича қуйидаги амалий таклифларни келтирамиз:

1. Мулкний муносабатлар билан боғлиқ қонунчиликни қайта кўриб чиқиш ва мулкнинг реализация қилинишига эркинлик берувчи шарт-шароитлар тизими яратиш;
2. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ошириш мақсадида ижарага олинган мулкларни ижарачи томонидан қайта ижарага бериш амалиётини жорий этиш;
3. Фермер ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни хусусийлаштириш орқали мулкний ҳуқуқни мустаҳкамлаш;
4. Мулкдорларнинг электрон платформасини яратиш орқали мулкни реализация этиш ва капиталлашув даражасини оширишнинг шаффоф тизимини амалиётга жорий этиш.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 2018 йил 28 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 65-модда. – Т.: “Ўзбекистон”, 2023 й.
3. Bain, Jonathan. 2008. “Thorstein Veblen (1857-1929) “Conspicuous Leisure”.” *Social Philosophy (Spring 2008) (PL 2044)*. Polytechnic Institute of New York University. Retrieved 2021 May 11.
4. Stigler G. *The theory of price* / G. Stigler. New York: Macmillan & Co, 1966/ -214p.
5. Роберт Ч. Элликсон *Порядок без права: как соседи улаживают споры [Текст] / пер. с англ. М. Марков (предисловие, введение, части I и III, приложение) и А. Лацев (часть II); науч. ред. перевода Д. Кадочников.* – М.: Изд-во Института Гайдара, 2017. – 520 с. ISBN 978-5-93255-468-5.
6. Самуэльсон П. Э. *Принцип максимизации в экономическом анализе / Нобелевская лекция, прочитанная в Стокгольме 11 декабря 1970 г.* – М.: THESIS, 1993, вып. 1. (англ. *Maximum Principle in Analytical Economics, (Free Rider Economy theory)* 1972).
7. Макконнелл К. Р., Брю С. Л. *Экономикс: принципы, проблемы и политика: [рус.] = Economics: Principles, Problems, and Policies.* – М.: Республика, 1992. – Т. 1. – С. 99-100. - ISBN 5-250-01486-0.
8. Kornai J. *The soft budget constraint: An introductory study to Volume IV of the life's work series // Acta Oeconomica.* – 2014. – № 64 (S1). – P. 25-79. – doi:10.1556/AOecon.64. 2014.S1.2 ISBN 978-5-7598-0990-6.
9. Ўлмасов А, Шарифхўжаев М. *Иқтисодий назарияси: Дарслик.* – Т.: «Меҳнат», 1999 й.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-328-сон Қонуни. 2012 йил 2 май.
11. Ўрмонов Н. ва бошқалар. *Иқтисодий таълимлар тарихи: Дарслик.* – Т.: 2007 й.
12. Х.Т.Азизов, О.Оқюлов, Ф.Х.Отахонов. *Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи: Дарслик.* – Т.: ТДЮУ наириёти, 2016 й.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси: “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. Халқ сўзи 2017 йил 16 январь.
14. Ташматов Ш.Х., Асатуллаев Х.С., Аллаберганов З.Г. *Иқтисодий таълимлар тарихи. Дарслик - Т. “Иқтисод-молия”, 2018 й. –360 б.*
15. Қадимги конфуцийчиликнинг иқтисодий қарашлари//Жаҳон иқтисодий тафаккур тарихи: 6 жилдда / Бош. муҳаррир В. Н. Черковец. – М.: Тафаккур, 1987. – Т. II. *Иқтисодий фикрнинг тугилишидан сиёсий ҳаётнинг илк назарий тизимларигача.* – С. 94-99. - 606 б.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>.
17. Муаллиф томонидан таҳлил қилинган маълумотлар асосида тайёрланди.
18. *Экономическая реализация собственности.* – https://www.textbook.news/ekonomicheskaya-teoriya_781/ekonomicheskaya-realizatsiya-sobstvennosti.html.
19. *Экономическая реализация собственности.* – <https://studfiles.net/preview/2892607/page/10/>.
21. O. Norboyev. *Property relations in the national economy, reliable protection of the inviolability of property rights, prospects for increasing the level of capitalization of private property.* (2023) https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a5

Ijtimoiy masalalar, fan, ta'lim va kambag'allikni qisqartirish /
Социальные вопросы, наука, образование и сокращение бедности /
Social issues, science, education, and poverty reduction

УЎК: 376 1.332.01(575.1)

Дилдора КАРИМОВА,
доктор экономических наук, профессор,
руководитель проекта Института
макроэкономических и региональных исследований,
E-mail: d.karimova@imrs.uz

**БЛАГОПОЛУЧИЕ ДЕТЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ:
МЕТОДОЛОГИЯ И ОЦЕНКА**

Аннотация: перспективные цели в Стратегии «Узбекистан – 2030» связаны с реализацией, прежде всего, потенциала детей. Это обуславливает создание комплексной базы данных о положении детей, их текущей жизни, о возможностях и проблемах. В статье представлена методология и расчеты Индекса благополучия детей, используя различные параметры такие как материальное благосостояние, жилищные условия, образование, состояние здоровья, взаимоотношения в семье и со сверстниками, поведение и риски, а также собственное, субъективное восприятие благополучия самими детьми.

Ключевые слова: индекс благополучия детей, материальный достаток, здоровье, образовательные возможности, качество взаимоотношений, поведенческие риски, субъективное благополучие, рейтинг регионов.

**O'zbekistonda bolalar farovonligi:
metodologiya va baholash**

Dildora Karimova,
iqtisodiyot fanlari doktori, professor,
Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar
instituti loyiha rahbari

Annotatsiya: “O'zbekiston–2030” strategiyasida uzoq muddatli maqsadlar, eng avvalo, bolalar salohiyatini ro'yobga chiqarish bilan bog'liq. Bu esa bolalarning ahvoli, ularning bugungi hayoti, imkoniyat

va muammolari haqida to'liq ma'lumotlar bazasini yaratishni taqozo etmoqda. Maqolada bolalarning moddiy farovonligi, uy-joy sharoitlari, ta'lim, sog'lig'i, oiladagi va tengdoshlar bilan munosabatlari, xatti-harakatlar xavf-xatarlari, bolalar subyektiv farovonligi kabi turli parametrlardan foydalangan holda bolalar farovonligi indeksini hisoblash metodologiyasi va hisob-kitoblari keltirilgan.

Kalit so'zlar: bolalar farovonligi indeksi, moddiy boylik, sog'liq, ta'lim imkoniyatlari, munosabatlar sifati, xulq-atvor xavfi, subyektiv farovonlik, mintaqaviy reytinglar.

**Child well-being in Uzbekistan:
methodology and assessment**

Dildora Karimova,
DSc (in Economics), professor,
Project Manager, Institute for
Macroeconomic and Regional Studies

Abstract: the long-term goals in the Uzbekistan 2030 Strategy are related to the realization, first of all, of the children's potential. This necessitates the creation of a comprehensive database on the situation of children, their current lives, opportunities and problems. The article presents the methodology and calculations of the Children's Well-Being Index, using various parameters such as material well-being, housing conditions, education, health status, relationships in the family and with peers, behavior

and risks, as well as the children's own subjective perception of well-being.

2017 йилда 400 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оила моддий ёрдам ва нафақа олган бўлса, 2023 йилга келиб мазкур кўрсаткич 2,3 миллионга етди. Бироқ, 2021 йилдан буён камбағал оилаларнинг 3 ёшдан 18 ёшгача фарзандлари нафақасининг ойлик миқдори ҳар бир нафар фарзанди учун 250 минг сўм (ёши 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзандига 325 минг сўм) ва оиланинг иккинчи фарзандига қўшимча 150 минг сўм, шунингдек, оиланинг учинчи ва кейинги ҳар бир фарзандига 100 минг сўм ҳамда кам таъминланган (камбағал) оилалар учун моддий ёрдам миқдори ойига 380 минг сўм қилиб белгиланган миқдор ҳозирги вақтгача оширилмади. Ваҳоланки, 2021 йилда камбағаллик чегараси 440 минг сўм, 2022 йилда 498 минг сўм, 2023 йилда 568 минг сўм ва 2024 йилда 621 минг сўмга етганлиги барчага маълум.

Ягона ижтимоий ҳимоя ахборот тизимида аҳолининг даромадларини аниқлаш тартибининг шаклланган мавжуд тажрибасини такомиллаштириш орқали ажратилаётган маблағларнинг манзиллиги-

ни таъминлаш лозим. Бунинг натижасида берилган нафақа ва моддий ёрдамлар миқдорини камбағаллик мезонига асосан қайта белгилаш имконияти мавжуд бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

1. Муддати ўтган кредит қарздорликларини ундирган ҳоким ёрдамчиларига ҳақ тўлаш тартибини жорий этиш орқали кредит қарздорликларини ундиришга рағбатлантирувчи механизмни жорий этиш лозим. Бунда ундирилган кредит маблағларидан аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиялаштиришда фойдаланиш имконияти оширилади.

2. Кредит маблағларини ажратиш жараёнида янги тизим жорий этиш мақсадида аҳолининг кам даромадли ва эҳтиёжманд қатламининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ўзини ўзи банд қилиш, даромадли меҳнат билан банд қилиш борасидаги тадбирларни рақамлашган шаффоф тарзда ҳамда янада қулай шартларда микрокредит тақдим этувчи микромолия ташкилотини ташкил этиш.

Шунингдек, Дастурлар доирасида ажратилган кредит маблағлари натижадорлигини ошириш мақсадида ижобий кредит тарихига эга бўлган ва барқарор иш ўринлари ярата олган жисмоний ва юридик шахсларга имтиёзли кредит маблағлари ажратишда устуворлик бериш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПФ-287-сон Фармонида асосан 5-тоифада турган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 100 млн. сўмгача бўлган имтиёзли кредит маблағларини гаровсиз бериш тартибини йўлга қўйиш.

Шунингдек, Камбағалликдан чиқариш дастурига киритилган уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож шахсларга “маҳалла еттилиги” кафилиги асосида гаровсиз ипотека кредитларини ажратишни жорий этиш лозим.

4. Ажратилаётган молиявий ресурсларнинг натижадорлигини ошириш ва аҳоли боқимондалик кайфиятига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида эҳтиёжманд оилаларга берилган субсидия маблағларини ссуда шаклида тақдим этишни

йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Бунда субсидия учун ажратилаётган маблағларнинг 80,0 фоизини ссуда қўринишида, қолган 20 фоизини “маҳалла еттилиги” (МФЙ раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, солиқчи ҳамда ижтимоий ходим) хулосасига асосан эҳтиёжманд ҳамда субсидия асосида ёрдам берилиши лозим деб топилган оилаларга ажратишни йўлга қўйиш таклиф этилади.

5. Агар солиққа тортилмайдиган минимал даромад белгиланса, камбағал аҳоли қатламидаги қўллаб оилалар даромади МИХ қийматидан юқори бўлиши эвазига мамлакатда камбағаллик даражаси қисқаради.

6. Нафақа ва моддий ёрдам учун камбағал оилаларнинг даромадларини ҳисоблашда даромадларидан тўланган солиқ ва мажбурий тўловларни чегириб ташлаш лозим. Шундагина оиланинг реал даромади инобатга олинган бўлади.

Бундан ташқари, камбағал оилаларга бола нафақаси ва моддий ёрдам берилганда оила даромадининг камбағаллик мезонига етмаган қисмини тўлашни жорий этиш лозим. Ҳозирда МИХ қийматига оиланинг даромади қанча миқдорда етмаслигидан қатъий назар бир хил миқдорда нафақа берилмоқда.

Маълумки, МИХнинг ҳисобланган қиймати – бу инсон соғлом ҳаёт кечириши учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ҳамда хизматлар қиймати ҳисобланади. Боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори – ойига 648 минг сўм ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун – 212 минг сўмдан қўшилади.

Унга қўра, боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзосига МИХ дан кам бўлмаган миқдорда нафақа тайинлаш лозим бўлади. Зеро, белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги Ўзбекистон Конституциясининг 46-моддасида кўзда тутилган.

Манба ва адабиётлар

1. Жаҳон банкининг камбағаллик даражаси бўйича таҳлили. Электрон манба: <https://www.data.worldbank.org/topic/poverty>

2. Бирлашган Миллатлар Ташиқлотининг Барқарор Ривожланиш Мақсадлари. Электрон манба: <https://www.sdgs.un.org/ru/goals/goal1>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-175-сон Фармони.
4. БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг “Камбағалликни ўлчай бўйича қўлланма”си, 2017 йил Нью-Йорк, Женева/ <https://www.unesc.org/DAM/stats/publications/2018/ECESTAT20174.pdf>
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги 544-сон қарори.
6. М. Калонов “Сокращение бедности: возможности, действия и результаты” “Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана” при Ташкентском государственном экономическом университете.
7. Р.Р. Хасанов. Ижтимоий иқтисодиётда хонадоннинг ўрни. Электрон манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/izhtimoiy-i-tisodiy-tara-iyotda-honadonning-orni/viewer>
8. Ш.И. Мустафақулов. “Ўзбекистонда камбағалликни аниқлаш ва қисқартириш давлат сиёсати даражасида”, “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2020 йил.
9. А. Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. – Т.1.– М.: Окт, 1977. – 480 с.
10. Peter Edward,. "The Ethical Poverty Line: a moral quantification of absolute poverty" 2016. p 377-393.
11. Elaine Zuckerman. 2002 "Poverty Reduction Strategy Papers and Gender". Berlin, Germany: Conference on Sustainable Poverty Reduction and PRSPs.
12. "Empowerment and Poverty Reduction: A Sourcebook", pp. 1–272. 2002. Washington DC: World Bank.
13. Kerbo, Harold World Poverty: The Roots of Global Inequality and the Modern World System. (2005). New York: McGraw-Hill. ISBN 9780073042954.
14. Буюк Британия ҳукумати расмий веб саҳифаси. Электрон манба: <https://www.gov.uk/income-tax-rates>
15. АҚШ солиқ миқдорини ҳисоблашга ёрдам хизмати. Электрон манба: <https://www.freshbooks.com/hub/taxes/how-much-money-do-you-have-to-make-to-not-pay-taxes>
16. Мустақил технология ва бизнес наشري, тадбиркорлар, инвесторлар ва корпорациялар учун хизмат кўрсатиши. Электрон манба: <https://rb.ru/analytics/taxes-canada/> -.
17. Хитой солиқ тўловчилари учун консалтинг хизмати. Электрон манба: <http://chinawindow.ru/china/legal-information-china/chinese-taxation/individual-income-tax/#:~:text=.>
18. Эстония солиқ хизмати. Электрон манба: <https://www.emta.ee/ru/chastnyy-klient/nalogi-i-uplata-nalogov/nalogovye-lgoty/uchyot-ne-oblagayemogo-nalogom-dokhoda#:~:text=.> – Эстония солиқ хизмати.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 654-сон қарори.

УЎК: 388.22(575.1)

Ботир АБДУЛЛАЕВ,*Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар
институтини лойиҳа раҳбари,***E-mail: abs1965@mail.ru,****Анвар ШОАЗИЗОВ,***Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар
институтини бош мутахассиси,***E-mail: amistados@list.ru**

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Аннотация: Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириши учун қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яратиши, хусусий мулк муҳофазаси ва кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шу боис қабул қилинаётган расмий ҳужжатларнинг тадбиркорлар фаолиятига таъсирини ва самарадорлигини баҳолаш, уларни амалга оширишда юзага келган ижобий ўзгаришлар, муаммоларга ўз вақтида муносабат билдириши, тадбиркорлар томонидан билдирилаётган таклифларни инobatга олишининг доимий мониторингини амалга ошириши долзарб бўлиб қолмоқда.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, субсидия, солиқ, самарадорлик, хизматлар, ривожлантириши, қўллаб-қувватлаш, ҳудудлар, хабардорлик, имтиёзлар, маълумотлар, муаммо.

Оценка эффективности реформ в поддержке предпринимательства в Узбекистане

Батир Абдуллаев,*руководитель проекта Института
макроэкономических и региональных исследований,***Анвар Шоазизов,***главный специалист Института
макроэкономических и региональных исследований*

Аннотация: последовательно реализуются меры, направленные на создание благоприятной инвестиционной и деловой среды для ускоренного

развития предпринимательства в Узбекистане, дальнейшее укрепление правовых механизмов защиты и гарантий частной собственности. Таким образом, остается актуальным важным проведение постоянного мониторинга, оценивание влияния и эффективности принятых официальных документов на деятельность предпринимателей, своевременное реагирование на проблемы и закрепление положительных изменений в ходе их реализации с учетом предложений предпринимателей.

Ключевые слова: предпринимательство, субсидия, налог, эффективность, услуги, развитие, поддержка, регионы, осведомленность, льготы, информация, проблема.

Assessment of the effectiveness of reform in supporting entrepreneurship in Uzbekistan

Batir Abdullaev,*Institute of Macroeconomic and Regional Studies,
head of the project,***Anvar Shoazizov,***Institute of Macroeconomic and Regional Studies,
chief specialist*

Abstract: measures aimed at creating a favorable investment and business environment for the accelerated development of entrepreneurship in Uzbekistan, further strengthening legal mechanisms for protection and guarantees of private property are being consistently implemented. Thus, it remains important to carry out continuous monitoring, assessment of the impact and

effectiveness of adopted official documents on the activities of entrepreneurs, timely response to problems and consolidation of positive changes in the course of their implementation taking into account proposals of entrepreneurs.

Keywords: *entrepreneurship, subsidy, tax, efficiency, services, development, support, regions, awareness, benefits, information, problem.*

Кириш

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, хусусий мулк муҳофазаси ва кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий ривожланиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакатда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган 3 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Мазкур чора-тадбирлар рўйхатидан турли соҳалардаги тадбиркорлар учун имтиёзли кредитлар дастурлари, солиқ ислохотлари (солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, солиқ солинадиган базани қайта ҳисоблаш, солиқларни тўлаш муддатларини узайтириш, ҚҚС-ни қайтаришда солиқ узилиши коэффицентини қўллаш (Tax Gap) тизими бекор қилиниши) кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш, ҳисобот ва статистик маълумотларни тақдим этиш жараёнларини соддалаштириш, божхона имтиёзлари, транспорт имтиёзлари, субсидиялаш, лицензия ва рухсатномаларнинг бекор қилинишини санаб ўтишимиз мумкин.

Шу сабабли қабул қилинаётган расмий ҳужжатларнинг тадбиркорлар фаолиятига таъсирини ва самарадорлигини баҳолаш, уларни амалга оширишда юзага келган ижобий ўзгаришлар, муаммоларга ўз вақтида муносабат билдириш ва ечимларини топиш, тадбиркорлар томонидан билдирилаётган таклиф ва тавсияларни инобатга олишни доимий мониторингини амалга ошириш долзарб бўлиб қолмоқда. Бизнес соҳасини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган тезкор қадамлар “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам мустаҳкамланган. Айниқса Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқот

шаклида учрашувларининг анъанага айланиши ушбу мониторингнинг амалий аҳамиятини янада оширади.

Асосий қисм


Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти доимий равишда тадбиркорлар фаолиятини амалга оширишнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар олиб бормоқда. 2024 йилнинг июль ойида институт томонидан мамлакатимиз ҳудудларида турли соҳаларда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар орасида махсус тайёрланган саволнома асосида “онлайн” сўров ўтказилди.

Саволноманинг асосий вазифалари: тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорларининг таъсирини ўрганиш ва самарадорлигини баҳолаш, имтиёзлардан фойдаланишда юзага келган муаммоларни аниқлашдан иборат. Ўтказилган онлайн сўровда республикаимизнинг барча ҳудудларидан (14 та ҳудуд, 204 та туман/шаҳар) жами 11300 дан ортиқ, турли йўналишдаги тадбиркорлик субъектлари иштирок этди. Жумладан, иштирок этганларнинг 21,7 фоизи саноат соҳасида, 21,0 фоизи қишлоқ хўжалиги, 27,3 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, қолганлари эса хизматнинг турли соҳаларида шуғулланувчи тадбиркорлардан иборат.

Ташкилий ҳуқуқий шаклига кўра – сўровда юкори улуш билан маъсулияти чекланган жамиятлар (41,7 фоиз) ва яқка тартибдаги тадбиркорлар (21,5 фоиз) фаол иштирок этдилар. Шунингдек, оилавий корхоналар (6,3 фоиз), хусусий корхона эгалари (11,0 фоиз) ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликлар (9,1 фоиз) вакиллари ҳам мазкур сўровда қатнашганлар. Ҳудудлар бўйича Тошкент шаҳри (1391 нафар), Сирдарё (1220 нафар), Андижон (973 нафар), Қашқадарё (912 нафар), Жиззах (841 нафар) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (806 нафар) тадбиркорлари сўровда фаол иштирок этганлар. Тадбиркорлик соҳаси ривожини билан боғлиқ муҳим сўровларга иштирокчилар турлича жавоб бердилар.

1. Давлат томонидан тадбиркорлар учун берилган имтиёзлар ва преференциялар тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишдаги муаммо ва қийинчиликлар тўғрисидаги саволга респондентлар турлича фикр билдириб, мазкур имтиёз ва преференциялардан хабардор бўлишда ҳеч қандай муаммо ва қийинчилик йўқлигини 40 фоиздан ор-

тиқ респондентлар эътироф этганлар. Шунингдек, тадбиркорлар маълумотлар тарқоқ ҳолда бўлганлигини (25,7 фоиз), улар билан коммуникация каналининг яхши йўлга қўйилмаганлигини (13,3 фоиз), тегишли соҳа ёки бизнесга аниқ мос келадиган маълумотларни бир жойдан топишнинг мураккаблигини (13,2 фоиз) ва мунтазам янгиланиб бориладиган маълумотлар базасига кириш қийинлигини (7,7 фоиз) ҳам қайд этишган (1-расм). Худудлар кесимида Андижон ва Хоразм вилоятларида маълумотлар тарқоқ ва мураккаб эканлиги муаммоси нисбатан юқори (мос равишда 34,5 фоиз ва 34,8 фоиз) бўлган.



1-расм. Тадбиркорлар учун берилган имтиёзлар тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишдаги муаммо ва қийинчиликлар
Манба: 2024 йил июль ойида ўтказилган сўров натижалари, %.

2. Расмий ҳужжатларни қабул қилинишидан олдин тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олишнинг муҳимлигига доир саволга тадбиркорлар фикрига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг манзиллилиги ва самарадорлиги ошиши (40,5 фоиз), тадбиркорларнинг ҳукуматга ишончининг ошиши (23,2 фоиз), расмий ҳужжатларга тез-тез қўшимча ва ўзгартиришлар киритилишининг олди олинishi (18,3 фоиз) ва тадбиркорлар фаолиятининг барқарор ривожланишини (18,0 фоиз) таъминлашини билдирганлар (2-расм).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йил 18 августдаги очик мулоқотидан сўнг тадбиркорларга яратилган қулайликлардан 87,3 фоиз иштирокчи хабари борлигини, аксинча 12,7 фоизи эса хабардор эмаслигини



2-расм. Расмий қарорлар қабул қилинишидан аввал тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олишнинг муҳимлиги

Манба: 2024 йил июль ойида ўтказилган сўров натижалари, %.

билдирган. Нисбатан юқори хабардорликка эга худудлар сифатида Қорақалпоғистон Республикаси (95 фоиз), Андижон (93 фоиз) ва Хоразм (75 фоиз) вилоятларини кўрсатиш мумкин. Яратилган қулайликлар натижасида фаолиятида ижобий силжишлар бўлганлигини 69,3 фоиз респондентлар эътироф этган. Шунингдек, уларнинг 23,4 фоизи амалга оширилаётган ислохотлар самарасини қисман ҳис қилаётганлигини ва 7 фоиз тадбиркорлар ўз соҳаларида қулайликларни ҳис этмаганлигини билдирган. Ўзгаришлар бўлмади деган жавобнинг юқори даражаси Навоий (10,3 фоиз) ва Тошкент (17,9 фоиз) вилоятларида қайд этилган (3-расм).




3-расм. Тадбиркорларга яратилган қулайликлардан хабардорлиги ва улар фаолиятидаги ўзгаришлар

Манба: 2024 йил июль ойида ўтказилган сўров натижалари, %.


4. 2023 йил 1 октябрдан ҚҚСни қайтаришда солиқ узилиши коэффициентини қўллаш (Tax Gap)

тизими бекор қилиниши корхона фаолиятига таъсири тўғрисидаги саволга тадбиркорларнинг 66,5 фоизи солиқ тизимига киритилган ўзгаришларни ижобий баҳолашган. Фаолиятига таъсири бўлмаганларнинг улуши 12,8 фоиз бўлган (4-расм). Мазкур ўзгаришларни ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак, Хоразм (79,2 фоиз), Андижон (77 фоиз) ва Бухоро (75,8 фоиз) вилоятлари тадбиркорлари фаолиятида солиқ тизимига киритилган ўзгаришлар натижасини ижобий баҳолашган. Шунингдек, ушбу ўзгаришлар бўйича нисбатан паст кўрсаткич Тошкент (43,5 фоиз) вилоятида кузатилган.



4-расм. Тах Гар тизими бекор қилинишининг корхоналар фаолиятига таъсири

Манба: 2024 йил июль ойида ўтказилган сўров натижалари, %.




5-расм. Тадбиркорларнинг Бизнесни ривожлантириш банки хизматларидан фойдаланиш даражаси
Манба: 2024 йил июль ойида ўтказилган сўров натижалари, %.

5. Фойда солиғи бўйича ҳар ой бўнак тўловчи тадбиркорлар даромадининг чегаравий миқдори 5 млрд сўмдан 10 млрд сўмга оширилиши [1] қарорининг таъсирини 69 фоиз тадбиркорлар ижобий баҳолашган, шунингдек 17 фоиз тадбиркорлар таъсири йўқлигини қайд қилган. Ҳудудлар кесимида таъсири бўлмаганлигининг энг юқори даражасини Самарқанд (27,2 фоиз), Сурхондарё (26,2 фоиз) ва Тошкент (25,6 фоиз) вилоятларида кўриш мумкин.

6. Янги ташкил этилган «Бизнесни ривожлантириш банки» хизматларидан фойдаланиш даражаси тўғрисидаги саволга – тадбиркорларнинг 54,6 фоизи мазкур банк хизматларидан фойдаланганлигини, 20,4 фоизи ҳали бу банк хизматлардан фойдаланмаганлигини ва 19,6 фоизи эса, энди фойдаланмоқчи эканлигини билдиришган. Шунингдек, 5,3 фоиз респондентлар ушбу банк тўғрисида хабари йўқлигини қайд этган. Ҳудудлар бўйича Хоразм (67,5 фоиз), Андижон (67,3 фоиз) ва Бухоро (67,3 фоиз) вилоятлари тадбиркорлари ушбу банк хизматларидан унумли фойдаланганлигини кўриш мумкин. Сўров натижаларига кўра мазкур банк хизматларидан нисбатан энг кам фойдаланган Самарқанд (35 фоиз) вилояти эканлиги кузатилди (5-расм).

7. Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази томонидан билим ва кўникмаларни оширишга қаратилган ўқув курслари ташкил этилиши бўйича саволга тадбиркорларнинг 65 фоизи қисқа ва ўрта муддатли амалий ўқув курсларида билим олганини билдиришган. Шунингдек, марказда 28 фоиз тадбиркорлар марказда ўқибаганлигини ва 7 фоизи ушбу курслардан хабардор эмаслигини эътироф этганлар. Худудлар бўйича Андижон (81 фоиз), Бухоро (77 фоиз), Сирдарё (70 фоиз), Хоразм (74,8 фоиз) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (74 фоиз) тадбиркорлари мазкур курсларда фаол иштирок этган.

8. "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс дастури [2]. Сўров натижаларига кўра ушбу қўллаб-қувватлаш механизмидан республика бўйича 57,7 фоиз тадбиркорлар фойдаланган. Худудлар бўйича фойдаланиш даражаси Андижон (72,8 фоиз), Хоразм (73,9 фоиз), Бухоро (64 фоиз) вилоятларида нисбатан юқори. Аксинча, Тошкент (46 фоиз), Самарқанд (44,1 фоиз), Навоий (41,5 фоиз) вилоятлари тадбиркорлари ушбу комплекс дастурдан фойдаланмаган (6-расм). Тадбиркорларнинг кўпчилиги, яъни 60,2 фоизи мазкур дастурнинг амалий фойдаси бўлганлигини, 19 фоизи эса фойдаси бўлмаганлигини эътироф этганлар.



6-расм. "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс дастурдан фойдаланганлик даражаси
Манба: 2024 йил июль ойида ўтказилган сўров натижалари, %.

9. Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига ҳисобот ва статистик маълумотларни тақдим этиш жараёнларини янада соддалаштириш [3] чора-тадбирларидан хабардорлигини 83,2 фоиз, хабардор эмаслигини эса 16,8 фоиз тадбиркорлар кўрсатишган. Сўровда иштирок этганларнинг асосий қисми ушбу қарор уларнинг фаолиятига ижобий таъсир этганлигини таъкидлаганлар.

10. Солиқ ислохотларини амалга оширишда солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатининг уч йил қилиб белгиланишини [4] сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг аксарият қисми (84,0 фоиз) ушбу ўзгаришдан хабардор эканликларини қайд этганлар. Бу механизмнинг таъсирини тадбиркорлар турлича баҳолаганлар. Мамлакат бўйича ижобий таъсирини 70,3 фоиз респондентлар кўрсатиб ўт-


ганлар. Таъсири йўқлигини 14,4 фоиз ва ушбу механизмни билмасликларини 13,8 фоиз тадбиркорлар эътироф этган.

Худудлар кесимида ушбу механизмни юқори ижобий натижаси Хоразм (83,7 фоиз), Андижон (80,0 фоиз) ва Бухоро (80,4 фоиз) вилоятларида кузатилган. Аксинча, таъсири камлиги Сурхондарё (21,0 фоиз), Қашқадарё (22,9 фоиз) вилоятлари тадбиркорлари томонидан қайд этилган.

11. Саноат зоналарида ер майдонлари ҳамда бино ва иншоотларни ижарага беришда тўловларни бўлиб тўлаш даврини 12 ойдан 24 ойгача узайтирилишининг [5] таъсирини тадбиркорларнинг аксарият қисми (77,1 фоиз) ижобий деб эътироф этган. Бирок, 9,3 фоиз тадбиркорлар бу имтиёздан қониқмаганлигини билдиришган. Тадбиркорлар фаолият-

тида ушбу механизм қўлланилмаслигини 13,7 фоизи таъкидлаган. Худудлар бўйича бу имтиёзлардан кўпроқ Хоразм (91,2 фоиз), Бухоро (85,7 фоиз) ва Андижон (83,9 фоиз) вилоятлари унумли фойда-

ланганлар. Мазкур қулайликлар тадбиркорлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатган худудлар каторига Қашқадарё (18,3 фоиз), Самарқанд (14,9 фоиз) ва Жиззах (14,7 фоиз) вилоятлари кирган (7-расм).



7-расм. Саноат зоналарида ер майдонлари ва иншоотларни ижарага беришда тўловларни бўлиб тўлаш даврининг 12 ойдан 24 ойгача узайтирилишининг тадбиркорлар фаолиятига таъсири
Манба: 2024 йил июль ойида ўтказилган сўров натижалари, %.

12. Тадбиркорларни ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилатган чора-тадбирларга муносабати сўралганда аксарият тадбиркорлар (74,0 фоиз) ҳукуматнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ижобий баҳолаган (2023 йилда бу кўрсаткич 64,0 фоиз бўлган). Шунингдек, 15,7 фоиз тадбиркорлар чора-тадбирларга ҳозирча бетараф эканликларини ошкор қилишган. Амалга оширилаётган чора-тадбирларни салбий баҳолаганлар (4,6 фоиз) ҳам мавжуд. Худудлар бўйича нисбатан салбий баҳо Самарқанд (8,7 фоиз), Тошкент (7,4 фоиз) ва Жиззах (7,4 фоиз) вилоятларида кузатилган. Хоразм (86 фоиз), Навоий (81 фоиз), Андижон (81,1 фоиз) вилоятларида тадбиркорлик борасида олиб борилаётган ҳукумат сиёсатига энг юқори “ижобий” баҳо берилган.

13. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича саволга тадбиркорлар биринчи ўринда имтиёзли кредитлар механизмини соддалаштириш (59,7 фоиз) кераклигини билдирганлар. Солиқларни тўлаш муддатларини узайтиришни (34 фоиз) тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда иккинчи

муҳим омил сифатида қайд этилган. Учинчи муҳим чора сифатида солиқ ставкасининг янада пасайтирилиши (33 фоиз) лозимлиги эътироф этилган. Шунингдек, тадбиркорлар солиқ солинадиган базани қайта ҳисоблаш (16,1 фоиз), транспорт имтиёзлари (11,1 фоиз), субсидиялаш (12,1 фоиз), божхона имтиёзлари (8,9 фоиз) ҳам аҳамиятга эга эканлигини кўрсатганлар.

14. Кўшимча қўллаб-қувватлашга муҳтож соҳалар. Тадбиркорларнинг фикрига кўра, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимига муҳтож соҳа ва тармоқлар каторига қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (34,0 фоиз), саноат (27 фоиз), электр таъминотини барқарорлаштириш (21,2 фоиз), яшил иқтисодиёт ва экология (18,9 фоиз), сув таъминоти (17,3 фоиз), хизматлар (13,2 фоиз), чикиндиларни қайта ишлаш (11,3 фоиз) ва бошқалар киритилган (8-расм).



8-расм. Ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлашга муҳтож соҳалар

Манба: 2024 йил июль ойида ўтказилган сўров натижалари, %.

14. Тадбиркорларнинг турли ташкилотлар билан ўзaro ҳамкорлик даражаси.

Сўровда иштирок этган тадбиркорлар асосан «Савдони ривожлантириш компанияси» АЖ хизматларидан (47,5 фоиз), «Ўзсаноатэкспорт» АЖ (34,9 фоиз), Хунарманд уюшмаси (32,7 фоиз) ва «Ўзтўқимачилик» уюшмаси (32,2 фоиз) хизматларидан фойдаланганликларини эътироф этган (1-жадвал).

1-жадвал

Тадбиркорлик фаолиятида ташкилот ва уюшмалар билан ҳамкорлик натижалари

	Фаолиятимизга фойдали бўлган	Фаолиятимизга фойдаси тегмаган	Фаолиятимизга алоқаси йўқ
1. «Савдони ривожлантириш компанияси» АЖ	47,5	11,8	40,6
2. «Ўзсаноатэкспорт» АЖ	34,9	14,4	50,7
3. «Ўзинтеримпекс» АЖ	31,5	13,0	55,4
4. «Ўзмарказимпекс» АЖ	30,4	13,8	55,7
5. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси	32,2	13,0	54,8
6. «Хунарманд» уюшмаси	32,7	13,5	53,8
7. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси	31,5	13,0	55,5
8. «Ўзчармсаноат» уюшмаси	29,6	13,9	56,5
9. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси	31,3	12,8	55,9
10. «Ўзёғмойсаноати» уюшмаси	31,3	13,5	55,2

11. «Ўзсаноатқурилиш-материаллари» уюшмаси	32,1	13,2	54,6
12. «Ўзбекистон пахта тўқимачилик кластерлари» уюшмаси	31,1	13,7	55,2
13. «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси	30,7	12,8	56,4
14. «Паррандасаноат» уюшмаси	30,9	13,5	55,6
15. «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси	31,0	13,2	55,8
16. «Гул етиштирувчилар» уюшмаси	28,6	13,9	57,5
17. «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмаси	30,6	12,7	56,7

Манба: 2024 йилнинг июль ойида мамлакатимиз ҳудудларида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар орасида ўтказилган сўров натижалари, %.

Тадбиркорларнинг турли уюшмалар ва ташкилотлар билан ўзаро фаолиятлари юқори даражада эмаслигини, уларнинг кўрсатаётган хизматлари талаб даражасида эмаслигини кўриш мумкин. Мазкур ҳолат махсус тузилган уюшмалар ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорликни самарали ташкил қилиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Хулоса ва таклифлар:

- тадбиркорларни керакли ахборот базаси билан таъминлашда муаммо ва қийинчиликлар маълум даражада камайган. Асосий муаммолар қаторига шакллантирилаётган маълумотларни тизимлаштириш ва ундан фойдаланишни соддалаштириш, алоҳида тармоқлар, соҳалар, мулк ва тадбиркорлик шакллари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (хизматлар) ҳудудлар кесимида ихтисослашган маълумотлар базасини янада такомиллаштириш асосида тадбиркорликни керакли ахборот билан таъминлаш долзарб бўлиб қолмоқда;

- тизимли асосда Президентимизни тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлари ва мониторинг натижалари асосида тадбиркорлар томонидан билдирилаётган таклиф ва тавсияларни эътиборга олиниши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ушбу жараёни доимий амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги тадбиркорлар томонидан қўллаб қувватланган;

- аксарият тадбиркорлар яратилаётган қулайликлар уларнинг фаолиятида ижобий силжишларга олиб келганлигини таъкидлашган. Асосий эътиборни ўзгариш деярли бўлмаган деган ҳудудларга (Навоий ва Тошкент вилоятлари) қаратиш мақсадга мувофиқ;

- тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган айрим чора-тадбирлар кесимида ҳам маълум ўзгаришлар юз берган. Жумладан, ҚҚСни

қайтаришда солиқ узилиши коэффициентини қўллаш тизимини бекор қилиниши (66,5 фоиз корхоналарда ижобий натижа); фойда солиғи бўйича ҳар ой бўнак тўловчи тадбиркорлар даромадининг чегаравий миқдори 5 млрд. сўмдан - 10 млрд. сўмга оширилиши деярли 70 фоиз корхоналарда ижобий натижа; бизнесни ривожлантириш банки ташкил қилиниши (54,6 фоиз ижобий натижа); кичик бизнесга кўмаклашиш маркази томонидан ўқув курсларини ташкил этилиши (65,0 фоиз тадбиркорлар билим олган); кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш комплекс дастуридан фойдаланиш (57,7 фоиз тадбиркорлар дастурдан фойдаланмоқда); солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатини уч йил қилиб белгиланиши (73 фоиз корхоналарда ижобий натижа); ижара тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш даврининг 12 ойдан 24 ойга узайтирилиши (77,1 фоиз) тадбиркорлар учун ижобий таъсир кўрсатган. Қўллаб-қувватлаш механизмларининг самарадорлигини ошириш мақсадида, уларнинг ҳар бирини доимий бевосита сўровнома орқали мониторингини олиб бориш лозим;

- тадбиркорларни янада қўллаб-қувватлаш ва фаолият кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф этилаётган қўшимча чора-тадбирлар асосан солиқ юкини камайтириш ва солиқ тўловларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган. Мавжуд таклифларни табақалашган ҳолда нафақат алоҳида тармоқлар ва соҳалар кесимида, балки мулк ва тадбиркорлик шакллари билан ўзаро мулоқот асосида кўриб чиқиш керакли натижаларни бериши мумкин;

- қўллаб-қувватлашнинг устувор соҳалари сифатида тадбиркорлар қишлоқ хўжалигини барқарор

ривожлантириш, саноатнинг рақобатбардошлигини ошириш, хизматларни нисбатан тез суръатларда ривожлантириш, яшил ва рақамли иқтисодиётнинг кенг қўлланилишини кўрсатганлар. Амалга оширилаётган тараққиёт стратегиясида ушбу йўналишлар кўрсатилган, фақат уларни аниқ маҳсулотлар ва хизматлар турлари бўйича қўллаб-қувватлаш механизмини шакллантириш лозим;

- тадбиркорларнинг махсус ташкил этилган уюшмалар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик дара-

жаси талаб даражасида эмас. Ушбу ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Умуман ўтказилган сўров натижалари мамлакатимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг тўғри эканлигини тасдиқлаган ҳолда фаолият давомида юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш ва имтиёزلарни биринчи навбатда самарали натижалар олиш имконияти юқори бўлган бизнесга йўналтириш лозим.

Манба ва адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292-сонли қарори.*

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-306-сонли Қарори.*

3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 январдаги “Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига ҳисобот ва статистик маълумотларни тақдим этиш жараёнларини янада соддалаштириш тўғрисида”ги ПҚ-8-сон қарори.*

4. *Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, 2024 йил 1 январдан солиқ органлари тадбиркорлик субъектларининг сўнгги 5 йил эмас, балки 3 йил давомидаги фаолиятини текшириш белгиланган.*

5. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 ноябрдаги ПФ-198-сон Фармони.*

6. *2024 йилнинг июль ойида мамлакатимиз ҳудудларида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар орасида ўтказилган сўров натижалари.*

УЎК: 330.35(575.1)

Шарифабону АМРИДДИНОВА,
Ведущий специалист Института
макроэкономических и региональных исследований,
E-mail: sharifa.amriddinova@mail.ru

ЖЕНЩИНЫ В STEM (НАУКА, ТЕХНОЛОГИЯ, ИНЖЕНЕРИЯ, МАТЕМАТИКА): СИТУАЦИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: в статье рассмотрена мировая практика участия женщин в научной среде. Эмпирический анализ проведён по таким странам Центральной Азии (далее в тексте – ЦА), как Узбекистан, Таджикистан, Казахстан и Кыргызстан. Главными индикаторами являются ВВП на душу населения и доля женщин в научно-исследовательской сфере из базы данных Всемирного банка и ЮНЕСКО. С использованием модели с фиксированными эффектами были обоснованы количественные взаимосвязи участия женщин в науке и экономического роста в странах ЦА.

Ключевые слова: STEM (Science, Technology, Engineering, Maths); гендерное равенство; экономический рост; Узбекистан; эконометрические методы.

**Ayollar STEM
(Ilm-fan, texnologiya, injenerlik va matematika)da:
O‘zbekistondagi vaziyat**

Sharifabonu Amriddinova,
Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti
yetakchi mutaxassisi

Annotatsiya: maqolada ayollarning ilmiy hamjamiyatdagi ishtirokining jahon amaliyoti ko‘rib chiqilgan. O‘zbekiston, Tojikiston, Qozog‘iston va Qirg‘iziston kabi Markaziy Osiyo davlatlari uchun empirik tahlil o‘tkazildi. Asosiy ko‘rsatkichlar – aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulot va ilmiy tadqiqotlardagi ayollar ulushi Jahon banki va YUNESKO ma‘lumotlar bazasidan olingan. Fixed Effects modelidan foydalangan holda, Markaziy Osiyo mamlakatlarida ayollarning ilm-fandagi ishtiroki va iqtisodiy o‘shish o‘rtasidagi miqdoriy bog‘liqliklar asoslab berildi.

Kalit so‘zlar: STEM (Ilm-fan, texnologiya, injenerlik, matematika); gender tenglik; iqtisodiy o‘shish; O‘zbekiston; ekonometrik usullar.

**Women in STEM
(Science, Technology, Engineering, Maths):
Situation in Uzbekistan**

Sharifabonu Amriddinova,
Leading specialist at the Institute of Macroeconomic
and Regional Studies

Abstract: the article examines the global practice of women's participation in the scientific community. The empirical analysis was conducted for such Central Asian countries as Uzbekistan, Tajikistan, Kazakhstan and Kyrgyzstan. The main indicators are GDP per capita and the share of women in research, which are taken from the World Bank and UNESCO database. Using a fixed effects model, quantitative relationships between women's participation in science and economic growth in Central Asian countries were explained.

Keywords: STEM (Science, Technology, Engineering, Maths); gender equality; economic growth; Uzbekistan; econometric methods.

Введение

В мире достигнут значительный прогресс в сфере обеспечения гендерного равенства, однако женщины по-прежнему сталкиваются со значительными препятствиями на пути продвижения по службе. Особенно это касается женщин в сфере науки, технологии, инженерии и математики (STEM). Многочисленные исследования показали, что женщины, работающие в области STEM, публикуются меньше [1] (см. Рисунок 1). Им меньше платят за исследова-

ния, и они не продвигаются по карьерной лестнице так далеко, как мужчины. Доля девушек-студенток, обучающихся по научно-техническим дисциплинам, остается низкой [2].

Женщины-авторы по областям науки (в %)




Рисунок 1. Женщины-авторы по областям науки

Источник: данные OECD. https://h2020.genderaction.eu/wp-content/uploads/2021/03/MLWdigi_Session1_Expert_Sarrico.pdf

При этом области образования, здравоохранения, социальных и гуманитарных наук больше всего остаются «женскими». Так, например, в социальных науках и психологии удельный вес женщин среди авторов-женщин составляет 45%, при этом лишь 15% авторов в физике и астрономии – женщины.

Женщины в области STEM зарабатывают меньше, чем их коллеги-мужчины. Согласно докладу «Монитор STEM-акций 2022» («STEM Equity Monitor 2022») в Австралии, в среднем женщинам платят на 18% меньше, чем мужчинам во всех отраслях STEM. Также, согласно исследованию (Zajac et. al, 2023), проведенному среди Польских выпускников высших учебных заведений, было выявлено, что уже в первый год после окончания учебы женщины зарабатывали более чем на 20% меньше мужчин [3].

Обзор литературы

Барьеры. Женщины сталкиваются с рядом препятствий на пути к карьере в сфере STEM. Отчет McKinsey [4] «Женщины на рабочем месте» за 2022 год показал, что в США на каждые 100 мужчин, назначенных на руководящие должности, приходится только 87 женщин. Существует множество свиде-

тельств того, что одним из основных препятствий, с которыми сталкиваются женщины в STEM, является дискриминация и неосознанная предвзятость. Результаты опроса, проведенного Лондонским цифровым агентством, показали, что 49% женщин, работающих в сфере технологий, сталкивались с той или иной формой дискриминации на работе, а 20% уволились из-за дискриминации или притеснений.

Корень подобной предвзятости, возможно, лежит в постоянной недооценке математических и естественных способностей девочек, которая начинается в раннем возрасте. Исследование (Olczyk, 2023) показало, что учителя часто «недоценивают математические знания девочек по сравнению с мальчиками с аналогичными достижениями и поведением», что указывает на то, что предубеждения в STEM присутствуют на протяжении всей жизни женщины [5].

Еще одним препятствием на пути женщин к успеху в STEM-карьере является отсутствие гибкого рабочего графика, позволяющего им заниматься воспитанием семьи. Обязанности по уходу за детьми по-прежнему в основном ложатся на женщин, и исследование (Myers, 2020), проведенное в США

и Европе в 2020 году, показало, что женщины-ученые, имеющие хотя бы одного ребенка в возрасте до пяти лет, сообщили о сокращении времени исследований на 17% больше, чем их коллеги-мужчины [6]. Исследование (Thebaud, 2021), проведенное в 2021 году с участием 57 бездетных аспирантов (мужчин и женщин), показало, что женщины сталкивались с выбором между академической карьерой STEM и материнством [7].

Вышеуказанные барьеры в определённой мере объясняют, почему существует гендерный разрыв в области STEM.

Почему гендерное разнообразие важно в STEM?
Отсутствие женщин в жизненно важных процессах инноваций будущих продуктов создает риск отчуждения и потенциальной угрозы для жизни половины человечества. Гендерное разнообразие в STEM приводит к тому, что задается больше вопросов, выслушиваются различные точки зрения и проводятся более глубокие и ценные исследования.

Важным преимуществом гендерного разнообразия в STEM является экономический рост, который может произойти за счет заполнения пробелов в рабочей силе. Исследование, проведенное Европейским институтом гендерного равенства в 2021 году, показало, что устранение гендерного разрыва в STEM будет способствовать увеличению ВВП на душу населения в ЕС на 2,2–3,0% в 2050 году [8].

В частности, компьютерная индустрия нуждается в большем количестве работников из-за прогнозируемого быстрого роста числа рабочих мест в течение следующего десятилетия. В целом, наличие большего количества женщин в составе рабочей силы приводит к более высокой производительности и увеличению заработной платы как мужчин, так и женщин. Согласно анализу (Weinstein, 2018), на каждые 10% увеличения числа работающих женщин в период с 1980 по 2010 год произошло повышение заработной платы на 5% [9]. Таким об-

разом, вполне вероятно, что увеличение гендерного разнообразия в STEM будет иметь экономические выгоды для общества.

Основная часть

Узбекистан

Проблемы

Узбекистан добился определенного прогресса в продвижении образования STEM (наука, технология, инженерия и математика), однако женщины по-прежнему недостаточно представлены в этих областях.

Отсутствие возможностей наставничества и сетевого взаимодействия для женщин в научных областях создает дополнительные препятствия для их продвижения. Также, слабая взаимосвязь в партнерских отношениях между образовательными учреждениями и предприятиями рынка труда в Узбекистане создает барьеры для успешной реализации профессиональной деятельности женщин в области STEM [10]. В докладе ООН «Социальные и психологические детерминанты поведенческих изменений у девушек и женщин в STEM-образовании и STEM-занятости» в 2023 году по Узбекистану было отмечено, что проведение различных конкурсов и олимпиад по предметам, связанным со специализацией, оказывает влияние на выбор профессии у девочек в подростковом возрасте [11]. Однако, проведение технологических конкурсов для девочек в школьных учреждениях недостаточно развито. Было выявлено, что просмотр научных телепередач, каналов, программ (Дискавери, TedTalks и т.д.) влияет на выбор дальнейшей специализации девочек. Стоит отметить, что в Узбекистане проводятся определённые программы и конференции, к примеру TedTalks, где обсуждаются актуальные темы, включая роль женщин в научных областях. Однако, данные программы недостаточно представлены в телевизионных передачах.

Более того, культурные нормы и ожидания относительно гендерных ролей часто побуждают женщин выбирать традиционные профессии, что приводит к недостаточному участию женщин в карьере, связанной с наукой. Согласно докладу (ПРООН, 2023), культурно укоренившиеся гендерные стереотипы и давление общества не позволяют женщинам делать карьеру в области науки и технологий. Эти факторы приводят к узкому представительству женщин в научных исследованиях и инновациях, ограничивая их возможности для профессионального роста [11].

**Исследование, проведенное
Европейским институтом гендерного
равенства в 2021 году, показало, что
устранение гендерного разрыва в
STEM будет способствовать
увеличению ВВП на душу населения
в ЕС на 2,2–3,0% в 2050 году**




Рисунок 2. Доля специалистов - исследователей в STEM

Источник: данные Агентства статистики при Президенте Республики Узбекистан.

На рисунке 2 можно увидеть, что доля женщин-исследователей от общей доли занятых женщин-исследователей в Узбекистане в области STEM значительно меньше по сравнению с данным показателем для мужчин. Если этот показатель для женщин составлял 55% в 2022 году, то 78% мужчин занимались научно-исследовательской деятельностью в STEM в соответствующем году.

Стоит отметить, что в Узбекистане доля женщин в профессиональной, научной и технической деятельности значительно увеличилась с 33,8% в 2018 до 39,1% в 2022 году, что свидетельствует о развитии STEM образования в стране. Однако, данный показатель по Узбекистану достаточно низок в сравнении с другими зарубежными странами такими, как Беларусь, Монголия, Филиппины, США, где данный показатель составляет 54%, 57%, 47% и 52% соответственно.

Меры поддержки

Системный подход Республики Узбекистан в области вовлечения девочек и женщин в сферу STEM находит свое выражение в совершенствовании нормативно-правовой базы, развитии инфраструктуры, реализации программ по поддержке женщин и девушек. Так, в Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан подчеркивается в целом важность развития STEAM-направлений. В принятой в 2022 г. Национальной программе по повышению активности женщин во всех сферах экономической, политической и социальной жизни страны на 2022–2026 годы выделена цель создания дополнительных условий для получения образования женщинами, дальнейшего по-

вышения роли женщин в сфере науки, разработаны меры по поддержке обучения женщин в высших, средних специальных и профессиональных образовательных учреждениях. Примером мер, регулярно предпринимаемых в Узбекистане по преодолению гендерных различий в получении девушками и женщинами высшего образования, в их трудоустройстве, в вовлечении в STEM являются такие программы как «Один миллион программистов», конкурс Technovation Girls Uzbekistan. Также, в марте текущего года открылся офис международной организации Women in Tech, который способствует расширению прав и возможностей девочек и женщин во всем мире, уделяя особое внимание 4 основным областям, которые требуют действий: образование, бизнес, социальная интеграция, пропаганда. Данная инициатива направлена на расширение возможностей женщин и девочек, наделение их необходимыми навыками и уверенностью в себе для достижения успеха в карьере STEAM.

Методология/Результаты

Используя данные о динамике доли занятых женщин в профессиональной, научной и технической сфере (доля женщин в науке, в %) и среднемесячной номинальной заработной платы (годовой, млн. сум) в Узбекистане за 2016–2022 годы, проведен корреляционный анализ.

Таблица 1

Матрица корреляции: Зарплата и доля женщин в профессиональной, научной и технической сфере в Узбекистане

Переменные	(1)
(1) Зарплата	1.000
(2) Доля женщин в науке	0.705

Источник: составлено автором.

Мы видим, что есть высокая и положительная корреляция между долей женщин в профессиональной, научной и технической сфере и заработной платой (см. Таблицу 1). Такая тенденция подразумевает, что увеличение занятых женщин в научной сфере положительно влияет на заработную плату.

Также, была построена регрессия для изучения влияния женщин в научно-исследовательской области на экономический рост. Согласно тесту Хаусмана (см. Рисунок 1 в Приложении), для анализа была использована модель с фиксированными эффектами. В качестве зависимой переменной использован ВВП на

душу населения в текущих долларах США (в логарифмической форме) как показатель экономического роста из базы данных Всемирного Банка, а независимой переменной является доля женщин среди всех исследователей по Узбекистану, Казахстану, Кыргызстану и Таджикистану из базы статистики ЮНЕСКО. Также, были добавлены контрольные переменные из базы данных Всемирного Банка такие, как Валовое накопление капитала (% ВВП), Прямые иностранные инвестиции, чистые притоки (% ВВП), Расходы на конечное потребление сектора государственного управления (% ВВП), Инфляция, потребительские цены (годовые %), Торговля (% ВВП), Ln Население (всего) во избежание смещения пропущенной переменной (omitted variable bias).

Перед проведением регрессии, были проведены тесты МНК на гомоскедастичность и мультиколлинеарность (см. Рисунок 2, 3 в Приложении), где было выявлено, что предположения МНК не нарушены. Также, была предоставлена матрица корреляции (см. Таблицу 1 в Приложении) и свод статистических данных (см. Таблицу 2 в Приложении).

По таблице видно, что все независимые переменные, кроме ПИИ, являются статистически значимыми. Результаты регрессии показали, что увеличение доли женщин исследователей на 1% способствует экономическому росту на 3 п.п. (процентных пункта). Также, рост ВНК, инфляции и населения на 1% увеличивает ВВП на душу населения на 0,8, 1 и 2 п.п. соответственно. Однако, повышение государственных расходов на 1% приводит к снижению экономического роста на 1 п.п.

В целом, мы можем сделать вывод о том, что развитие женской карьеры в научно-исследовательской сфере положительно влияет на экономический рост страны.

Заключение/рекомендации

В Узбекистане принимаются активные меры по поддержке женщин в сфере науки, однако, несмотря на это, женщины все еще недостаточно представлены в данной области. Существует ряд проблем таких, как культурно укоренившиеся гендерные стереотипы, гендерные различия среди занятых в области STEM, отсутствие возможностей наставничества и сетевого взаимодействия для женщин, отсутствие гибкого рабочего графика и прочие. В результате проведенного анализа и выявленных проблем с участием женщин в научной деятельности, разработаны следующие рекомендации:

Таблица 2

Результаты регрессии: Y=Ln ВВП на душу населения

VARIABLES	FE
Женщины-иссл.	0.0259*** (0.00312)
ВНК	0.00760*** (0.00247)
ПИИ	0.00405 (0.00268)
Гос.потребление	-0.0109*** (0.00301)
Инфляция	0.0101*** (0.00377)
Население	0.0204*** (0.00292)
Constant	5.006*** (0.358)
Observations	80
R-sq	0.774

Standard errors in parentheses
*** p < 0.01, ** p < 0.05, * p < 0.1

Источник: составлено автором.

- создание системы сотрудничества между техническими университетами и производственными предприятиями, направленного на дальнейшее трудоустройство выпускниц, на осуществление менторства студенток со стороны сотрудников профессиональных организаций;

- выделение определённых квот на финансирование научно-исследовательских работ женщин-исследователей;

- формирование интереса и мотивации к STEM-профессиям у девочек в младшем школьном и подростковом возрасте посредством их привлечения в различные программы, связанные со STEM (например, конкурсы в рамках Technovation, олимпиады, конкурсы в рамках школьных образовательных учреждений), организации выездных занятий, направленных на знакомство с профессиями, востребованными на рынке труда, информирования о STEM-профессиях и карьерных перспективах, экскурсий на различные промышленные предприятия, встреч с молодыми специалистами в области STEM;

- подготовка телевизионных передач о девушках и женщинах, обучающихся и занятых в STEM-сфере;

- анализ зарубежных конструктивных практик по поддержке женщин и девушек в STEM и их внедрение с учетом социокультурных особенностей Узбекистана.

Источники и литература

1. UNESCO (no date). *Women in Science*. Available from <https://uis.unesco.org/en/topic/women-science>
2. Касьмова, А. А. (2024). Роль женщины в современной науке. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 4 (01). Доступно по <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-zhenschiny-v-sovremennoy-nauke>
3. Zajac, T. et al. (2023). *Gender pay gaps across STEM fields of study*. *Studies in Higher Education*, 1-14. Available from <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/03075079.2024.2330667?scroll=top&needAccess=true>
4. McKinsey&Company (2022). *Women in the Workplace*. Available from <https://www.mckinsey.com/~media/mckinsey/featured%20insights/diversity%20and%20inclusion/women%20in%20the%20workplace%202022/women-in-the-workplace-2022.pdf>
5. Olczyk, M. et al. (2023). *Teacher judgements and gender achievement gaps in primary education in England, Germany, and the US*. *Social Science Research*, 116. Available from <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0049089X23000935>
6. Myers, K. R. (2020). *Unequal effects of the COVID-19 pandemic on scientists*. *Nature Human Behavior*, 4, 880-883. Available from <https://www.nature.com/articles/s41562-020-0921-y>
7. Thebaud, S. and Taylor, C. (2021). *The Specter of Motherhood: Culture and the Production of Gendered Career Aspirations in Science and Engineering*. *Gender & Society*, 35(3), 395-421. Available from <https://journals.sagepub.com/doi/10.1177/08912432211006037>
8. Eige. (2021). *How gender equality in STEM education leads to economic growth*. *European Institute for Gender Equality*. Available from <https://eige.europa.eu/newsroom/economic-benefits-gender-equality>
9. Weinstein, A. (2018). *When More Women Join the Workforce, Wages Rise — Including for Men*. *Harvard Business Review*. Available from <https://hbr.org/2018/01/when-more-women-join-the-workforce-wages-rise-including-for-men>
10. Ганиева, М. Ж. (2024). *О взаимодействии сотрудничества Вузов и предприятий в Республике Узбекистан*. Национальный Университет Узбекистана. Доступно по [file:///C:/Users/sh.amriddinova/Downloads/o-vzaimodeystvii-sotrudnichestva-vuzov-i-predpriyatij-v-respublike-uzbekistan%20\(2\).pdf](file:///C:/Users/sh.amriddinova/Downloads/o-vzaimodeystvii-sotrudnichestva-vuzov-i-predpriyatij-v-respublike-uzbekistan%20(2).pdf)
11. UNDP (2023). *Социальные и психологические детерминанты поведенческих изменений у девушек и женщин в STEM-образовании и STEM-занятости*. Доступно по <https://www.undp.org/ru/uzbekistan/publications/socialnye-i-psikhologicheskie-determinanty-povedencheskikh-izmeneniy-u-devushek-i-zhenschin-v-stem-obrazovanii-i-stem>

Рисунок 1. Тест Хаусмана

. hausman random fixed

	— Coefficients —			
	(b) random	(B) fixed	(b-B) Difference	sqrt(diag(V_b-V_B)) S.E.
FemResearc~1	.0258591	.0282957	-.0024365	.0020103
GCF1	.0076029	-.0003915	.0079944	.0010166
FDI1	.0040467	.0014262	.0026205	.0013999
Govcons1	-.0108503	-.0081205	-.0027298	.0019589
Inflation1	.0101369	.0126257	-.0024888	.0020301
LPopul1	.0204029	.0188833	.0015196	.0019786

b = consistent under Ho and Ha; obtained from xtreg
B = inconsistent under Ha, efficient under Ho; obtained from xtreg

Test: Ho: difference in coefficients not systematic

$$\begin{aligned} \text{chi2}(6) &= (b-B)'[(V_b-V_B)^{-1}](b-B) \\ &= 117.38 \\ \text{Prob} > \text{chi2} &= 0.0000 \end{aligned}$$

Источник: составлено автором.

Рисунок 2. Тест Брюша-Пагана на гомоскедастичность

. hetttest

Breusch-Pagan / Cook-Weisberg test for heteroskedasticity
Ho: Constant variance
Variables: fitted values of LnGDPpc

$$\begin{aligned} \text{chi2}(1) &= 2.18 \\ \text{Prob} > \text{chi2} &= 0.1394 \end{aligned}$$

Источник: составлено автором.

Рисунок 3. Тест VIF на мультиколлинеарность**. vif**

Variable	VIF	1/VIF
LPopul1	1.71	0.585403
Govcons1	1.66	0.602154
Inflation1	1.65	0.605586
FDI1	1.33	0.752423
FemResearc~1	1.19	0.841747
GCF1	1.07	0.938375
Mean VIF	1.43	

Источник: составлено автором.**Таблица 1. Матрица корреляции**

Переменные	(1)	(2)	(3)	(4)	(5)	(6)	(7)
(1) LnВВПд.н.	1.000						
(2) Женщ-иссл	0.547	1.000					
(3) ВНК	0.288	-0.047	1.000				
(4) ПИИ	0.171	0.123	0.067	1.000			
(5) Гос. потр	-0.649	-0.239	-0.126	-0.208	1.000		
(6) Инфляция	0.284	0.369	-0.112	0.394	-0.294	1.000	
(7) Население	0.488	-0.075	0.173	-0.288	-0.382	-0.324	1.000

Источник: составлено автором.**Таблица 2. Свод статистических данных**

Variable	Obs	Mean	Std. Dev.	Min	Max
LnGDPpc	88	7.001	1.151	4.93	9.539
FemResearchers1	88	33.462	20.136	24.6	53.28
GCF1	88	28	25.547	9.14	44.69
FDI1	88	6.64	25.547	-0.17	17.13
Govcons1	88	11.76	25.547	8.27	20.6
Inflation1	88	18.2	20.272	0.39	38.59
LPopul1	88	16.61	25.547	15.36	17.31

Источник: составлено автором.

**Yer va suv resurslaridan samarali foydalanish/
Эффективное использование земельных и водных ресурсов/
Effective use of land and water resources**

УЎК: 332.24.338.45(575.1)

Мохир ШАГАЗАТОВ,

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти марказ раҳбари,

E-mail:m.shagazatov@imrs.uz,

Диёр ЭРГАШЕВ,

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари,

E-mail:d.ergashev@imrs.uz,

Фарход МИРЗАЕВ,

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти бош мутахассиси,

E-mail:farxod_950@mail.ru

**САНОАТ ЗОНАЛАРИДА ОНЛАЙН-АУКЦИОН САВДОЛАРИ
ОРҚАЛИ СОТИЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

Аннотация: ушбу мақолада мамлакатимиз sanoat zonalarida onlayn-aukcion savdolari orqali sotilgan er uchastkalari taʼhili qilingan. Bunda, Yangi Uzbekistonni barpo etishi iʼtidda hududlarda sanoat ishlab chiqarishini jadal-laistiriishi, investitsiyalar va yangi texnologiyalar-ni jalb qilishi, tadbirkorlikni ragʼbatlantiriishi, real iqtisodiy sektorni rivojlanitiriishi orqali bʼu er maydonlaridan samarali foydalanishi bu-gungi kunda iqtisodiy tizimimizda asosiy dolzarb masalalardan biri sifatida qaralgan. Taʼhili natijalariga kʼra, sanoat zonalariga ishlab chiqarishi loyiʼhalarini joiylaistiriishi maqsadida, er uchastkalarini aukcion savdolari orqali sotishi jaraʼini yana jadal-laistiriishi, shuningdek, mazkur jaraʼing kʼp tadbirkorlik subʼekt-larini jalb qilishini yana faollaitiriishi bʼyicha takliflar berilgan.

Калит сўзлар: er maydonlari, sanoat zonalar-i, aukcion savdolari, investitsiya, loyiʼha, maʼsulot, tadbirkorlik, texnologiyalar, korxonalar.

**Анализ торгов земельных участков
в промышленных зонах на онлайн аукционе**

Мохир ШАГАЗАТОВ,

*руководитель центра Института
макроэкономических и региональных исследований,*

Диёр Эргашев,

*руководитель проекта Института
макроэкономических и региональных исследований,*

Фарход Мирзаев,

*главный специалист Института
макроэкономических и региональных исследований*

Аннотация: в данной статье анализируются результаты торгов земельных участков в про-мышленных зонах нашей страны. Эффективное использование свободных земельных площадей путем ускорения промышленного производства в регионах, привлечения инвестиций и новых тех-нологий, поощрения предпринимательства, раз-вития реального сектора экономики на пути эф-фективного развития Нового Узбекистана рас-сматривается как одна из основных актуальных задач нашей экономики. По результатам анализа, для размещения производственных проектов в промзонах были внесены предложения по дальней-шему ускорению процесса реализации земельных участков посредством аукционных продаж, а так-же по дальнейшей активизации вовлечения в этот процесс многих субъектов предпринимательства.

Ключевые слова: земельные участки, про-мышленные зоны, аукционные торги, инвестиции, проекты, продукты, предпринимательство, тех-нологии, предприятия.

Analysis of land plot sales in industrial zones at online auction

Mokhir Shagzatov,

Center Director of the Institute of Macroeconomics and Regional Studies,

Diyor Ergashev,

Project Manager of the Institute of Macroeconomics and Regional Studies,

Farkhod Mirzayev,

Chief specialist of the Institute of Macroeconomics and Regional Studies

Abstract: *this article analyzes the sales volumes of land plots through online electronic auctions in our country's industrial zones. The effective utilization of available land areas to accelerate industrial production in various regions, attract investments and new technologies, encourage entrepreneurship, and foster the development of Uzbekistan's real sector is a critical task for our economy. Based on the analysis results, recommendations have been put forth to expedite the sale of land plots through auction sales in order to facilitate the location of production projects within industrial zones. Additionally, efforts are being made to increase the participation of numerous business entities in this process.*

Keywords: *land plots, industrial zones, auctions, investments, projects, products, entrepreneurship, technologies, enterprises.*

Кириш

Эркин иқтисодий, ёшлар саноат ва тадбиркорлик ҳамда кичик саноат зоналари (кейинги ўринларда – КСЗ) мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириб, тадбиркорликни ривожлантиришнинг замонавий, қулай ва самарали усулига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар, саноат зоналарида мавжуд имкониятларни кенгайтириш, мамлакатимизда бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш, чет-эл ва маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида муҳим кадам бўлмоқда [1,2,3].

Аслида, саноат зоналарини ташкил этишдан мақсад ҳам тадбиркорларни бир нуқтада жамлаб, улар учун ўзаро тажриба майдонини яратиш орқали сифат жиҳатидан хорижникидан қолишмайдиган,

импорт маҳсулотлар ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўрсаткичларини оширишдан иборат.

Мамлакатимизда бу борада қабул қилинаётган норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, саноат зоналари иқтисодиётга илғор технологиялар, чет эл сармоялари, хорижий валюталарни киритиш, замонавий инфратузилмаларни яратиш, ички истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, ривожланиш даражаси паст ҳудудларни жадал ривожлантириш, қўшимча ишчи ўринларини яратиш, иқтисодиётни бошқариш ва тадбиркорлик йўналишидаги илғор халқаро тажрибаларни ўзлаштириш имконини беради.

Республикаимизнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси саноат зоналарида аукцион орқали сотилган ер майдонларининг таҳлилининг ҳам назарий ҳам амалий жиҳатларини янада чуқурроқ ўрганишни талаб этмоқда.

Бу эса, ушбу мақола мавзусининг долзарблигини англатади.

Ҳозирги вақтда эркин иқтисодий зоналар (кейинги ўринларда – ЭИЗ), ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари (кейинги ўринларда – ЁСТЗ) ва КСЗларни ташкил этиш, республикаимиз ҳудудларида бизнесни ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали йўлларида биридир.

Эркин иқтисодий зона – янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш, шунингдек ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини ривожлантиришни таъминлаш мақсадларида ташкил этиладиган ҳудуд [4].

Кичик саноат зоналари – ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган, аҳоли пункти ёки аҳоли пунктлариаро ҳудудининг қонунчилик ҳужжатлари билан муайян мақом берилган ҳамда ҳудуди доирасида хизмат кўрсатувчи инфратузилмага эга бўлган ишлаб чиқариш майдонлари жойлашадиган ва чегаралари аниқ белгиланган қисми [5].

Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари – тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш, ёшлар бандлигини, энг аввало “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни иш билан таъминлаш ва ёш тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини амалга оширилишини кўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган махсус хууд [6].

Саноат зоналари улар жойлашган хуудларни ривожлантиришга катта имкониятлар яратади. Хусусан, саноат ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантириш, хуудларни тадбиркорлик учун инвестицион жозибдорлигини ошириш, янги инвестиция ва технологияларни жалб қилиш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва уларнинг ривожланишига кенг имкониятлар очиб беради. Шунингдек, йиллар давомида фойдаланилмай келинаётган бўш майдонлардан реал иқтисодий секторни ривожлантириш орқали улардан самарали фойдаланишга, аҳоли учун янги иш жойларини яратишга, ҳамда янги рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга олиб келади [7,8].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сон қарори республикамиз хуудларида саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришга, шунингдек, ер участкаларининг электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилинишига ҳукукий замин яратди [9,10].

Маълумот учун: *Еручасткаларини ажратишида ҳамма учун тенг, бозор тамойилларига асосланган шаффоф тартибни жорий этиши мақсадида, 2021 йилнинг 1 августидан бошлаб барча ер участкалари (давлат муассасалари бундан мустасно) тадбиркорликни амалга ошириш учун аукцион савдолари орқали реализация қилиниши белгиланди, шу жумладан саноат зоналарида ҳам.*

**Саноат зоналарида
ишлаб чиқариш
лойиҳалари учун 11,9 минг
гектар ер майдони
тақсимлаб берилган.
Ҳозирги кунда ишлаб
чиқариш лойиҳалари
саноат хуудининг 6,4 минг
гектар майдонида
жойлашган.**

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Саноат зоналарини ташкил этишнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти, уларни ривожлантириш бўйича кўллаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ўзларининг тадқиқотларини олиб боришган. Бу борада хорижий олимлардан эркин иқтисодий зоналар тўғрисида Meng Guangwen [11], жаҳон иқтисодиёти тизимидаги эркин иқтисодий зоналар ҳақида Я.С.Друзик [12], халқаро иқтисодиётда эркин иқтисодий зоналар фаолияти тўғрисида Н.В. Черненко [13] ларнинг илмий ишларини мисол қилиш мумкин.

Шунингдек, республикада саноат хуудларини барпо этишнинг имкониятлари ва истиқболлари тўғрисида республикамизнинг бир қатор етук олимлари ўзларининг илмий ишларида кенг ёритиб беришган. Жумладан, А.В.Вахабов, Ш.Х.Ҳажибакиев, Н.Г. Муминовларнинг фикрига кўра, эркин иқтисодий хууд – бу маҳаллий ҳамда чет-эл тадбиркорлари ўз фаолиятларини олиб боришлари учун махсус имтиёзли иқтисодиёт амал қиладиган хууд. [14]

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологияси сифатида саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришга оид жаҳон тажрибаси ҳамда мутахассисларнинг фикрини ўрганган ҳолда, кузатиш, статистик таҳлил, таққослаш каби усуллардан фойдаланилди.


Таҳлил ва натижалар

Ҳозирда республикамизда жами 766 та саноат зонаси фаолият юритмоқда. Шундан 24 таси эркин иқтисодий зона, 210 таси ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ва 532 таси кичик саноат зонасидир.

Маълумот учун: *2023 йилда саноат зоналарида ишлаб чиқариш лойиҳалари томонидан жами 53,4 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва экспортга йўналтирилган товарлар қиймати 972 млн. АҚШ долларини ташкил этди.*

2024 йилда саноат зоналарида 841 та янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Бу 2023 йилдагига (965 та лойиҳа) нисбатан 124 та лойиҳага кам. Мазкур ҳолат асосан амалдаги ишлаб чиқариш лойиҳаларини бирлаштириш ва кенгайтириш ҳисобидан янги иш ўринларини шакллантириш билан боғлиқ.

Саноат зоналарида ишлаб чиқариш лойиҳалари учун 11,9 минг гектар ер майдони тақсимлаб берилган. Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш лойиҳалари саноат хуудининг 6,4 минг гектар майдонида жойлашган.



1-жадвал

Экин ва махсус иқтисодий зоналар ҳудудида 2023 йилда аукцион савдоларига чиқарилган ер участкалари ва сотишдан тушган маблағлар тўғрисида маълумот

т/р	Ҳудудлар	лотлар	млрд. сўм
1.	Тошкент вилояти	63	75,5
2.	Самарқанд вилояти	58	6,6
3.	Бухоро вилояти	17	6,9
4.	Сурхондарё вилояти	14	1,3
5.	Фарғона вилояти	12	2,9
6.	Жиззах вилояти	10	3,3
7.	Қорақалпоғистон Рес.	9	0,3
8.	Наманган вилояти	8	1,7
9.	Сирдарё вилояти	8	1,3
10.	Қашқадарё вилояти	6	0,8
11.	Навоний вилояти	6	0,4
12.	Хоразм вилояти	1	0,005
13.	Андижон вилояти	-	-
14.	Тошкент шаҳри	-	-

Манба: Давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси.

Манба: Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси.

Республикадаги эркин иқтисодий зоналар бўйича натижалар:

2022-2023 йилларда кичик саноат зоналарида 818,4 гектар ер участкаси, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида 122 гектар ер участкаси аукцион савдоларга чиқарилган.

- энг кўп ер майдонлари куйидаги вилоятларда сотилган: Тошкентда - 64 та (30%), Самарқандда - 58 та (27,2%), Бухорода - 17 та (8%), Сурхондарёда - 14 та (6,6%) ва Фарғонада - 12 та (5,6%);

Аукционга ижара ҳуқуқи билан саноат ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш учун чиқарилган ер участкаларининг таҳлили куйидагиларни акс эттирмоқда.

- аукцион яқини бўйича сотилган ер участкаларидан энг кўп маблағ туширган вилоятлар: Тошкент - 75,5 млрд.сўм, Бухоро - 6,9 млрд.сўм, Самарқанд - 6,6 млрд.сўм ва Жиззах - 3,3 млрд.сўм.

Эркин ва махсус иқтисодий зоналарда:

Андижон вилоятида аукцион савдоларига эркин иқтисодий зоналар ҳудудидан ер чиқарилмаган.

2023 йилда 213 лотдан иборат 778,4 гектар ер майдони 81,5 млрд. сўм бошланғич нарх билан аукционга чиқарилган.

Кичик саноат зоналарида:

Натижада, ушбу ер майдонлари аукционда саноат ҳудудининг бош режаларига асосан 101,2 млрд.сўмга (бошланғич нархга нисбатан 1,24 баробар ортик) сотилган ва сотувдан тушган маблағлар саноат зоналарини ривожлантириш учун саноат зоналари ягона дирекциялари ҳисоб рақамларига йўналтирилган.

Бугунги кунда, республикадаги 532 та КСЗ 3 574,5 гектар ер майдонида жойлашган бўлиб шундан 1 600,3 гектар (44,7%) ер майдонида саноат лойиҳалари жойлаштирилган.

Бундан ташқари, ЭИЗ иштирокчиларида ер участкалари ва бино-иншоотларни аукцион орқали ижара ҳуқуқи билан сотиб олишда тўловларни 24 ой мобайнида бўлиб тўлаш ҳуқуқи мавжуд.

2023 йилда аукцион савдоларига жами 2 821 та лот (604,2 гектар) 122,4 млрд.сўм бошланғич нарх билан аукционга чиқарилган.

Натижада, таҳлил даврида аукцион савдоларга чиқарилган 2 821 та лотдан 1 541 та лот (54,6%) бошланғич нархи 63,9 млрд.сўм белгиланган ер участкалари аукционда 85,8 млрд.сўмга (бошланғич нархга нисбатан 1,34 баробар ортик) сотилган.

2-жадвал

Кичик саноат зоналарида 2023 йилда электрон-онлайн аукцион савдоларига чиқарилган ва сотилган лотлар тўғрисида маълумот

Т/р	Худудлар	Чиқарилган	Сотилган	Суммаси / млрд.сўм
	Жами	2821	1541	85,7
1.	Фарғона вилояти	586	257	2,03
2.	Сирдарё вилояти	343	214	8,8
3.	Навоний вилояти	292	236	3,5
4.	Бухоро вилояти	248	108	0,7
5.	Жиззах вилояти	236	44	3,6
6.	Қорақалпоғистон Рес.	208	169	5,4
7.	Сурхондарё вилояти	206	114	0,06
8.	Қашқадарё вилояти	182	122	3,9
9.	Самарқанд вилояти	141	152	6,3
10.	Хоразм вилояти	139	66	1,7
11.	Наманган вилояти	112	1	18,1
12.	Андижон вилояти	72	10	29,9
13.	Тошкент вилояти	56	48	1,7
14.	Тошкент шаҳри	-	-	-

Манба: Давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси.

Ушбу ер майдонлари ипакчилик саноати, консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари, ун-дон ва озуқа ишлаб чиқариш, металл ва пахтани ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳаларини жойлаштириш шарти билан аукцион савдоларида сотилган.

Республика бўйича КСЗда:

- энг кўп лотлар (ер участкалари) чиқарган вилоятлар – **Фарғона - 586 (20,7%), Сирдарё - 343 (12,1%), Навоний - 292 (10,3%), Бухоро - 248 (8,8%), Жиззах - 236 (8,3%);**

- ер майдонлари энг кўп сотилган худудлар – **Қорақалпоғистон Республикаси - 169 (10,9%), вилоятлар: Фарғона - 257 (16,7%), Навоний - 236 (15,3%), Сирдарё - 214 (13,9%), Самарқанд - 152 (9,8%) ва Қашқадарё - 122 (7,9%);**

- аукцион якуни бўйича сотилган ер участкаларидан энг кўп маблағлар туширган вилоятлар: **Фарғона - 30 млрд.сўм, Тошкент -18,0 млрд.сўм, Андижон - 8,8 млрд.сўм, Сирдарё - 6,3 млрд.сўм, Навоний - 5,4 млрд.сўм.**

Наманган вилоятида КСЗ худудидан атиги битта лот (ер майдони) аукционда сотилган.

Рақамлардан кўришиб турибдики, Фарғона, Навоний, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон

Республикасининг КСЗ худудларида саноат лойиҳаларини жойлаштиришга талаб юқорилиги (республикадаги улуши – 56,8%) натижасида ушбу худудларда 459 та саноат лойиҳалари бажарилишига эришилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 ноябрдаги 685-сон қарорига мувофиқ КСЗ худудидаги ер майдонлари аукционда ижара ва мулк ҳуқуқи билан сотилиши белгиланган бўлсада, барча ер участкалари фақатгина ижара ҳуқуқи билан савдоларга чиқарилган.

Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида:

Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари худудидан 2023 йилда жами 1 071 та лот (82,6 гектар) 23,2 млрд.сўм бошланғич нарх билан аукционга чиқарилган.

Натижада, савдоларга чиқарилган 1 071 та лотдан 527 таси (49,2%) бошланғич нархи 11,4 млрд.сўм белгиланган ер участкалари аукционда 15,3 млрд.сўмга (бошланғич нархга нисбатан 1,34 баробар ортиқ) сотилган.

Республика бўйича ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида:

- аукцион савдоларига энг кўп лот (ер участкалари) чиқарган худудлар – Қорақалпоғистон Республикаси - **165 та (15,4%),** вилоятлар: Хоразм


- 226 та (21,1%), Бухоро - 177 та (16,5%), Фарғона - 114 та (10,6%), Тошкент - 113 та (10,5%);

- энг кўп ер участкалари сотилган хуудлар – Қорақалпоғистон Республикаси - 106 та (20,1%), вилоятлар: Бухоро - 79 та (15%), Фарғона - 72 та (13,6%), Хоразм - 62 та (11,7%), Тошкент - 57 та (10,8%);

- аукцион якуни бўйича сотилган ер участкаларидан энг кўп маблағ туширган хуудлар – Тошкент

шаҳри – 2,6 млрд.сўм, вилоятлар: Тошкент - 4,9 млрд.сўм, Фарғона - 2,0 млрд.сўм, Хоразм - 1,4 млрд.сўм, Сурхондарё - 1,1 млрд.сўм.

Андижон ва Наманган вилоятларида ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналаридан лотлар аукционга чиқарилмаган.



Манба: Давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси.

Бундан ташқари, вилоятларнинг айрим туман (шаҳар)ларида ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташкил этиш ёхуд уларни аукционга чиқариш ишлари умуман амалга оширилмаган.

Жумладан:

- Қорақалпоғистон Республикасидаги Кегейли ва Нукус туманларида;
- Бухоро вилоятидаги Когон туманида;
- Жиззах вилоятидаги Арнасой, Бахмал, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Мирзачўл, Фориш, Шароф Рашидов, Янгиобод туманлари ва Жиззах шаҳрида;

- Қашқадарё вилоятидаги Китоб, Косон, Қамаш, Қарши, Миришкор, Чирокчи, Шаҳрисабз, Кўкдала туманлари, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларида;

- Навоий вилоятидаги Навбахор, Учқудук туманлари, Ғозгон ва Зарафшон шаҳарларида;

- Самарқанд вилоятидаги Жомбой, Иштихон, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд туманлари, Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларида;

- Сирдарё вилоятидаги Боёвут, Гулистон туманлари, Гулистон ва Ширин шаҳарларида;

- Сурхондарё вилоятидаги Ангор, Бойсун,

Денов, Қизирик, Кумқўрғон, Узун, Шеробод ва Шўрчи туманларида;

- Тошкент вилоятидаги Бекобод, Бўка, Зангиота, Қибрай, Оҳангарон, Паркент, Тошкент, Ўртачирчик, Юқоричирчик, Янгийўл, Оққўрғон туманлари, Нурафшон, Олмалик, Ангрен ва Янгийўл шаҳарларида;

- Фарғона вилоятидаги Бағдод, Ёзёвон, Риштон, Тошлок, Учқўприк, Фарғона туманлари, Қўкон, Марғилон ва Куvasой шаҳарларида;

- Хоразм вилоятидаги Гурлан, Қўшқўпир ва Хонқа туманларида.

Хулоса

Аксарият ҳолларда саноат зоналарида аукцион орқали сотилаётган ер участкалари ипакчилик саноати, қурилиш материаллари, ун-дон ва озука, консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш, металл ва пахта ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳаларини жойлаштириш шарти билан реализация қилинмоқда.

Ўсиш кўрсаткичларига асосланиб саноат зоналарида ер участкаларини сотиш ҳамда бу ерга саноат лойиҳаларини жойлаштириш:

Эркин ва махсус иқтисодий зоналар – Тошкент ва Самарқанд вилоятлари;

КСЗ–Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Тошкент ва Навоий вилоятлари;

Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари – Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларига тўғри келмоқда.

Таклифлар

Саноат зоналарига лойиҳаларни жойлаштириши мақсадида ер майдонларини аукционда сотиш жараёнини янада жадаллаштириш, шунингдек, мазкур жараёнга қўллаб тадбиркорларни жалб этиши мақсадида қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 июлдаги ПФ-153-сонли Фармони билан Маъмурий кенгашлар тугатилиб, ваколоти Ягона дирекцияларга берилганлигига қарамай, унинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳеч қайси қонун ҳужжати билан тартибга солинмаганлиги, шунингдек, Ягона дирекция балансида мавжуд бўлган бўш бино ва иншоотларни аукционга чиқариш тартиби ишлаб чиқилмаганлиги сабабли, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 134-сон қарорига ўзгартириш киритиш;

2. Саноат зоналари иштирокчилари томонидан уларга бириктирилган ер майдонларида барпо этилган бино-иншоотларни гаровга қўйиш ва кредит олиш имкониятини яратиш.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириши ва кенгайтиришига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3356-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 июндаги “Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириши ва бошқаришини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4363-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлар базаси. <https://lex.uz/docs/4737511>

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 134-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 майдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳамда Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 294-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги “Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиши ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-271-сон қарори.

8. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 июндаги “Махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-153-сон Фармони.*

9. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиши ва уларни бозор активига айлантириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сон Фармони.*

10. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириши чора-тадбирлари ҳақида 71-сон қарори.*

11. *Meng Guangwen The Theory and Practice of Free Economic Zones: A Case Study of Tianjin, People’s Republic of China. Tübingen, Feb. 2003.*

12. *Друзик Я.С., Свободные экономические зоны в системе мирового хозяйства. Мн.: «ФУАинформ», 2000, 368 с.*

13. *Черненко Н.В. Свободные экономические зоны в мировой экономике // Вестник БГЭУ, 1998.*

14. *Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. 180-бет.*

УЎК: 332.2(575.1)

Комилжон ҚЎЗИЕВ,
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),
Тошкент Халқаро Университети доценти,
E-mail: ceep@yandex.ru

ДЕГРАДАЦИЯГА УЧРАГАН ЧЎЛ-ДАШТ ЕРЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ (Сурхондарё вилоятининг чўл-дашт ерлари мисолида)

Аннотация: мақолада деградацияга учраган чўл-дашт ерлардан фойдаланиш мавзусида тадқиқот натижалари ёритилган. Сурхондарё вилояти мисолида деградацияга учраган чўл-дашт ерлари таҳлил қилинган ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: ер тоифалари, сугориладиган экин ерлари, лалми ва яйлов ерлар, чўл-дашт ерлар, деградация, яшил майдонлар, иқтисодий самара.

**Анализ и оценка возможности
эффективного использования деградированных
пустынно-степных земель
(на примере пустынно-степных земель
Сурхандарьинской области)**

Комилжон Кузиев,
PhD (по экономическим наукам),
*Доцент Ташкентского Международного
Университета*

Аннотация: в статье описаны результаты исследований по использованию деградированных пустынно-степных земель. На примере Сурхандарьинской области проанализировано текущее состояние деградированных пустынно-степных земель и сделаны практические предложения по их эффективному использованию.

Ключевые слова: категории земель, не орошаемые земли, засушливые и лугопастбищные угодья, пустынно-степные земли, деградация, зеленые насаждения, экономическая эффективность.

**Analysis and assessment of the possibility of
effective use of degraded desert lands
(in example of desert-steppe lands of the
Surkhondarya region)**

Komiljon Kuziev,
PhD (in Economics),
*Associate Professor of Tashkent International
University*

Abstract: the article describes the results of research work on the use of degraded desert-steppe lands. The example of Surkhondary region has been analyzed the current state of degraded desert-steppe lands and practical proposals on their effective use.

Keywords: land categories, non-irrigated lands, arid lands and grassland, desert-steppe lands, degradation, green spaces, economic efficiency.

Кириш

Маълумки, ер ресурслари иқтисодиётда қўшимча қиймат яратувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бирок иқлим ўзгариши ҳамда антропоген таъсирлар натижасида ер деградацияга учраб, унинг унумдорлик хусусияти йўқолиши ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот оламининг кирилиб кетиши хавфи кузатилмоқда. Маълумотларга кўра, 1950 йилдан буён ер юзида 2 млрд. гектар экин, яйлов ва ўрмон ерлари деградацияга учраган [1].

Ўзбекистонда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ер тоифасидан фойдаланувчилар сони 117 минг нафар-

ни ташкил этади. Уларнинг тасарруфида жами 27,1 миллион гектар ер ресурслари мавжуд. Таҳлилларга кўра, ушбу ер майдонлари 1991–2021 йиллар давомида 1,2 баравар қисқариб, деградацияга учраган. Энг катта қисқариш қишлоқ хўжалиги ер турлари бўйича кузатилиб, қарийб 3,5 млн. гектар ер фойдаланишдан чиқиб кетган. Афсуски бу ерларнинг 97 фоизини яйловлар ташкил қилади.

Яъни, мамлакатимизда деградацияга учраган ерларнинг катта қисми чўл-дашт зоналарида жойлашган. Бу ерларда чўлланиш индекси юқори бўлиб, ёғингарчилик миқдори жуда кам, яшиллик қоплами қисқариб бормоқда. Бунинг оқибатида чўл жониворларининг қирилиб кетиши ҳамда тупроқ деградацияси кузатилаёпти [2].

Бундай шароитда қандай қилиб деградацияга учраган чўл-дашт ерлардан фойдаланиш мумкинлиги бўйича изланишлар ушбу тадқиқотнинг бош мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот ишида қўлланилган илмий усуллар. Тадқиқот ишида таққослама таҳлил ва гуруҳлаш таҳлили усуллари қўлланилди.

Адабиётлар шарҳи. Ер юзидаги экин, яйлов ва ўрмон ерлари деградациясига оид таҳлилий маълумотлар С. Шведес, Д. Хебббрехт, Т. Гертрейтер, А. Пулатов, С. Шабурия, А. Арипов асарларида, деградацияга учраган чўл-дашт ерларга оид маълумотлар эса И. Ясир, А. Бенсон каби тадқиқотчиларнинг асарларида келтирилган. Ушбу илмий манбаларда ерларнинг деградацияга учраш сабаблари, оқибатлари ҳамда уларни тиклаш орқали яшил майдонларни кенгайтириш масалалари ёритилган [1,2,3,4].

Хориж тажрибаси

Саудия Арабистонида 2016 йилда Saudi Vision 2030 (2030 йилга назар) узоқ муддатли стратегияси қабул қилинди. Ушбу Стратегиянинг таркибида 2021 йилдан бошлаб Саудия Арабистонининг экологик ташаббуси (Saudi Green Initiative (SGI)) дастури амалга оширила бошланди¹. Ушбу дастурга кўра, узоқ муддатли истиқболда мамлакат бўйича жами 74 миллион гектар чўл-дашт майдонда 10 млрд. дона дарахт ва буталарни экиш орқали куйидаги мақсадларга эришиш белгилаб олинган [3,4]:

- деградацияга учраган чўл-дашт ерларини тиклаш;

- аҳоли яшаш жойларини чанг ва кум тўзонларидан асраш;

- яшил майдонни кенгайтириш орқали ҳаво ҳароратини мўътадиллаштириш;

- чорва озуқа майдонини кенгайтириш орқали чорва сонини кўпайтириш;

- ёмғир сувларини йиғувчи сув террасаларини қуриш орқали мавсумий ёғингарчилик сувларидан фойдаланиш.

Ушбу дастур бўйича 2021 йилдан буён 1150 марта дала кузатув тадқиқотлари амалга оширилиб, шаҳарлар атрофидаги 49 млн гектар чўл-дашт майдонга дарахтлар ва бута ўсимликлари ўтказилган. Натижада 94 минг гектар деградацияга учраган ерлар тикланиб, шаҳарлар марказидаги иссиқ ҳарорат 2,2 градусга пасайиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда яшил майдонларни кенгайтириш орқали экологик вазиятни яхшилаш, трансчегаравий гармсел шамоллари ва чанг-кум бўронларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирларининг олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Жумладан, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 588 гектар «яшил боғлар», 662 гектар «яшил жамоат парклари», Бухоро, Нукус, Хива ва Урганч шаҳарлари атрофида жами 40 км масофада «яшил белбоғ»лар барпо этилган [5]. Шунга қарамадан, мамлакатимизнинг ҳали чўл-дашт ҳудудларида яшил майдонларни кенгайтириш учун жуда кўплаб имкониятлар мавжуд.

Асосий қисм

Сурхондарё вилоятининг умумий ер майдони 2 млн гектардан иборат. Шундан жами майдоннинг 68%и қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, 1%и аҳоли пунктлари ерлари, 5%и саноат, транспорт, алоқа мудофаа ерлари, 1%и табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган ерлар, 15%и ўрмон фонди ерлари, 1%и сув фонди ерлари, 9% захира ерларига тўғри келади (1-расм).

Вилоятда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг катта қисми сув чиқмайдиган лалми ерлар, суғориладиган экин ерлари эса 324 минг гектар ёки жами ер фондининг 16,2 %ини ташкил қилади.


Жами суғориладиган ерларнинг 73%и экин ерлари, 10%и кўп йиллик дарахтзорлар, 15,5%и томорқа ерлари ва 1%и ўрмонзорлардан иборат. Шунингдек, жами ер фондининг салмоқли қисмини лалми яйлов ва пичанзорлар (41% ёки 824 565 гектар) ташкил этади [5].

Вилоят жами ер фондининг 74%ини куйидаги 6 та туман майдонлари эгаллайди. Сариосиё (384,6 минг га), Бойсун (325,3 минг га), Шеробод (272,8

1 Saudi Green Initiative (SGI) <https://www.greeninitiatives.gov.sa/about-sgi/>

минг га), Қумқўрғон (213,8 минг га), Узун (163,2 минг га), Жарқўрғон (116,2 минг га) туманлари-

нинг жами майдонини қўшиб ҳисоблаганда 1 млн 476 минг гектарни ташкил этади [6].



1-расм. Сурхондарё вилояти ер фонднинг таркибий тузилиши


Манба: Г. Фуломова. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси аҳоли ҳаёти сифатини ошириши омили// Янги Ўзбекистон газетаси интернет нашри. 12 апрел 2022 <https://yuz.uz/news/yashil-makon-umummilliy-loyihasi-aholi-hayoti-sifatini-oshirish-omili>

Юқоридаги туманларда майдон катта бўлишига қарамадан суғориладиган ерларнинг улуши жуда кичик бўлиб, ҳудуднинг катта қисмини лалми яйловзорлар ташкил этади. Масалан, Сариосиё туманида суғориладиган ерлар жами майдоннинг 5,1%ини, Бойсунда 6,1%ини, Шеробод 1,7%ини, Қумқўрғонда 18,2%ини, Узунда 18,5%ини ташкил этади (2-расм).

Суғориладиган ерларнинг нисбатан катта қисми Бандихон (41,1 минг га), Қумқўрғон (38,8 минг

га), Узун (30,2 минг га), Жарқўрғон (27,6 минг га), Шўрчи (28,4 минг га), Термиз (29,6 минг га) туманларида жойлашган [5].

Юқоридаги таҳлиллар вилоятнинг айрим туманларида катта ҳажмдаги яйлов ва лалми ер майдонлари мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, Бойсун (197,6 минг га), Қумқўрғон (137,4 минг га), Сариосиё (126,6 минг га), Шеробод (125,5 минг га) туманларида вилоятнинг жами яйловларининг 71 фоизи жойлашган.



2-расм. Сурхондарё вилояти туманлари ер майдонларининг таркиби

Манба: Г. Фуломова. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси аҳоли ҳаёти сифатини ошириши омили// Янги Ўзбекистон газетаси интернет нашри. 12 апрел 2022 <https://yuz.uz/news/yashil-makon-umummilliy-loyihasi-aholi-hayoti-sifatini-oshirish-omili>

Шунингдек, Шўрчи (42,8 минг га), Узун (47,7 минг га), Бандихон (41,6 минг га) туманларида катта яйлов майдонлари мавжуд [6].

Ушбу яйловларда яшиллик даражаси камайиб кетган. Натижада чорва туёқ сони камайиши, чанг-тўзонлар кўтарилиши каби ҳодисалар кузатилмоқда [2]. Шу сабабли, бу туманлардаги яйловлар ва лалми ерлардан янада самарали фойдаланиш, чанг-тўзонларнинг олдини олувчи яшил зоналар барпо қилиш мақсадида қуйидагилар таклиф қилинади:

- Сурхондарёда чўл-яйлов озукабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил қилиш;

- уруғчилик ўсимликлари етиштириш учун суғорилмайдиган чўл-яйлов ер майдонларини аниқлаш чора-тадбирларини кўриш;

- уруғчилик илмий-ишлаб чиқариш марказининг техника базасини шакллантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- 1000 гектар майдонда чуғон, черкез, коврак, қандим каби ўсимликлар уруғчилиги плантацияларини барпо қилиш;

- суғорилмайдиган чўл-қумли адир ерларда доимий равишда ҳудуд иқлимига мос экинларни экишни таъминлаш ва уларни доимий равишда уруғлик билан таъминлаш;

- лалми ва яйлов ердан фойдаланувчиларни молиявий ҳамда консалтинг қўллаб-қувватлашнинг ҳудудий тизимини ишлаб чиқиш.

Катта яйлов майдонларига эга бўлган Бойсун, Сариосиё, Шеробод туманларида гўшт етиштиришга ихтисослашган чорвачилик мажмуаларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Майда шохли молларни боқиш эса томорқа ва деҳқон хўжаликларида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Бундай тадбирлар эса мазкур ҳудудларда қўй ва эчкилар сонини бир неча марта оширишга олиб келади.

Сурхондарё вилоятининг Ангор, Жарқўрғон ва Термиз туманларидаги чўл-дашт майдонларининг қумлоқ тупроқларида қора саксовул, черкез ва селин ҳамда қандим сингари, Ўзбекистоннинг қумлоқ жойлари учун мос келадиган, фитомелиорант ўсимликларни экиш ҳисобига чорванинг озикланиш майдонини кенгайтириш мумкин.

Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу туманлардаги чўл-дашт зоналарида деградацияга учраган 100 минг гектар ерни қайта тиклаш имконияти мавжуд. Бу

майдонларда саксовулзор (ҳосилдорлиги гектарига 57 центнер), қандимзор (гектарига 18 центнер), черкесзорларни ташкил қилиш орқали 5 минг бош қўй-эчки чорвачилик фермаларини барпо қилиш мақсадга мувофиқ. Ерларни қайта тиклаш ўсимликларнинг кўпайишига олиб келади ва натижада ўртача 100 га чўл-дашт майдонининг озукабирлиги 20–22 бош қўй ва эчкини озиклантириш учун етарли бўлади. Қайта тикланган яйловларда алмашлаб ўтлатиш ҳисобига, майда шохли чорва моллари сонини кўшимча 20–22 минг бошга ортириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мумкин бўлади.

Ўртача 1 га саксовулзордан 10 тонна қуруқ ёғоч массасини олиш мумкин. Шунда 1000 гектарли чорвачилик хўжаликлари йилига 10 минг тонна қуруқ ёғоч массасини йиғиб олади ва қиш мавсумида ўзини ўтин билан таъминлайди.

Қир адир зоналарида эса ўртача 100 гектар майдонининг озукабирлиги 27–30 бош майда шохли молларга (қўй ва эчкига) етарли бўлади. Қир адир ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, алмашлаб фойдаланиш учун 300–350 гектар майдонда 100 бош майда шохли молларни навбатма навбат ўтлатиш мумкин бўлади. (Бунда ўтлатилган майдонга ўзини табиий тиклаши учун 2 йил дам берилади).

Тахлилларга кўра, ушбу чўл-дашт ерларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин:

- майда шохли чорва молларини ўтлатиш майдони сифатида;

- мебель саноати учун ёғоч массаси олинадиган манба сифатида;

- ўтин ёки қурилиш хом-ашёси олинадиган манба сифатида;

- саксовулзорларни кенгайтириш ҳисобига тупроқнинг юқори қатламида чанг-тўзонлар юзага келишининг олдини олувчи восита сифатида.

Амалга ошириш механизми бўйича таклифлар:

Сурхондарё вилоятида чўл-дашт ҳудудларидаги бўш ерлардан оқилона фойдаланиш бўйича амалга ошириладиган ишларни маҳаллий тадбиркорлар ва ташаббускорларни жалб этган ҳолда амалга ошириш тавсия этилади. Бунда, вилоят туманларининг чўл-дашт ҳудудларидаги бўш ерларни фойдаланишга киритиш қуйидаги 8 босқичда амалга оширилади:

1-босқич. Дастлаб вилоят ҳокимлигида идоралараро ишчи гуруҳи тузилиб, таркиби, мақсади, вазифалари ва ваколатлари ўрнатилган тартибда

тасдиқланади (Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутатларидан аъзо, Вилоят ҳокимининг кишлоқ ва сув хўжалиги котибияти (мувофиқлаштирувчи), Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси, Кишлоқ хўжалиги вазирлигининг вилоят бошқармаси, Ўрмон хўжалиги агентлиги вилоят бошқармаси, Яйлов уюшмасининг вилоят бўлими, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг Сурхондарё вилоят бошқармаси, Туман ҳокимлиги вакиллари, “Ўздаверлойиха” ДИЛИ Сурхондарё вилояти бўлинмаси).

2-босқич. Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан фойдаланилмаётган салоҳиятли ер контурларини белгилаш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади. (Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси туманлар кесимида адир ва чўл-дашт ҳудудларидаги бўш ерларни аниқлайди).

3-босқич. Салоҳиятли ер контурлари аниқ бўлгандан сўнг ҳар бир туман ҳокимлиги аниқланган бўш ерларни захирага олиш тўғрисида қарор чиқаради. Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси туман ҳокимлиги томонидан захирага олинган бўш ерларни давлат рўйхатидан ўтказилади.

4-босқич. Туман ҳокимлиги Халқ депутатлари вилояти Кенгашига захирага олинган бўш ерлардан фойдаланиш бўйича таклифни олиб чиқади.

5-босқич. Туман ҳокимлиги Халқ депутатлари

вилоят Кенгашининг қарори ҳамда буюртма хати билан “Ўздаверлойиха” ДИЛИнинг вилоят ёки туман бўлимига мурожаат қилади.

6-босқич. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 январдаги “Кишлоқ хўжалиги-га мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-15-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сон қарори билан тасдиқланган “Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти” бўйича бўш ер лойиҳаси тайёрланиб, ижарага бериш учун аукционга чиқарилади. (Ўздаверлойиха” ДИЛИнинг вилоят бўлими, «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» ДУК)

7-босқич. Туман ҳокимлиги, ҳоким ёрдамчилари маҳаллий салоҳиятли ердан фойдаланувчиларни аукционга жалб қилади

8-босқич. Туман ҳокимлиги, ҳоким ёрдамчилари Ипакчилик ва жун саноати ривожлантириш қўмитасининг Сурхондарё вилоят бошқармаси, Яйлов уюшмасининг вилоят бўлими аукцион ғолиби бўлган чорвадорлар билан шартнома тузади ва белгиланган тартибда иш олиб боради (уруғлик билан таъминлаш, маслаҳат консалтинг хизматини кўрсатиш ва ҳоказо).

Манба ва адабиётлар

1. Деградация земель против устойчивого управления земельными ресурсами// Силке Шведес, Джулия Хебббрехт, Тобиас Гертрейтер. /Доклад GIZ, 2019, – С. 8.
2. А.Т. Пулатов, С.С. Шабурия, А.О. Арипов. Как получить дополнительный доход от восстановления деградированных пастбищ// Журнал: Актуальные проблемы пустынного животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов. выпуск: № 1 (2023).
3. Iqbal, Yasir. "Top 10 plans for Saudi Arabia's \$1 trillion capital". MEED. 6 February 2024.
4. Andrew Benson. "Formula 1: Saudi Arabia unveils plans for race in 2023". BBC News. 11 February 2020.
5. Ўзбекистон Республикаси Ер фонди// Кадастр агентлигининг даврий нашри. Тошкент 2023. – Б.143-144.
6. К. Қўзиев. Худуднинг ер ва сув ресурслари салоҳиятини баҳолаш асосида ўсиш драйверларини аниқлаш. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар Журнали. 3-сон 2022 йил. – Б.71-77.
7. К. Қўзиев. Ноқишлоқ хўжалиги ерларининг фойдаланиш турлари бўйича аукцион савдоларининг таҳлили. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар Журнали. 4-сон 2023 йил. – Б. 4-7.

УЎК: 330.35(575.1)

Sarvinoz MAMADJONOVA,
Phd Candidate at Westminster International
University in Tashkent,
Email: samamadjonova@wiut.uz

FEMALE OWNERSHIP AND ECO-SUSTAINABILITY

Abstract: *this study looks at data from a company-level survey done by the European Bank for Reconstruction and Development and the world bank group from 2018 to 2020. It focuses on 5031 businesses in seven Eastern European countries. The research aims to find out if there's a link between women owning businesses and choosing to improve water management systems in these companies. Because the dependent variable is binary, the research used a logit model. The results show that women who own businesses are about 3% more likely than men to bring in new water management systems. This might be because women tend to be more caring and risk averse.*

Keywords: *gender, Environmental Decisions, Enterprise, Ownership Type, Binary Logit Regression.*

Ayollar mulki va atrof-muhit barqarorligi

Sarvinoz Mamadjonova,
Toshkent Xalqaro Vestminster Universiteti
tayanch doktoranti

Annotatsiya: *ushbu tadqiqot 2018 va 2020 yillar oralig'ida Yevropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki va Jahon Banki guruhi tomonidan o'tkazilgan kompaniya darajasidagi so'rov ma'lumotlarini hamda Sharqiy Yevropaning yetti mamlakatidagi 5031 ta korxonani ko'rib chiqadi. Tadqiqotning maqsadi ayollarning biznesga egalik qilishi va ular ushbu kompaniyalarda suv resurslarini boshqarish tizimini yaxshilashga qaror qilganliklari o'rtasida bog'liqlik bor-yo'qligini aniqlashdir. Bog'liq o'zgaruvchi ikkilik bo'lgani uchun tadqiqotda Logit modeli ishlatilgan. Natijalar shuni ko'rsatdiki, biznesga ega bo'lgan ayollar suv resurslarini boshqarishning yangi tizimlarini erkaklarnikiga qaraganda taxminan 3 foizga ko'proq qabul qilishadi. Bu ayollarning ko'proq g'amxo'rliqi va tavakkalga moyil emasligi bilan bog'liq bo'lishi mumkin.*

Kalit so'zlar: *gender, ekologik qarorlar, tadbirkorlik, egalik huquqi turi, binar logit regressiyasi.*

Женская собственность и экологическая устойчивость

Сарвиноз Мамаджанова,
Базовый докторант Ташкентского
Международного Вестминстерского
Университета

